



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!


# Постга

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2003 йил 10 июль, пайшанба • 28 (3504)-сон

## ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН!



Милиция сержанти У. Саидхўжаев: "Ҳужжатларингиз жойида экан. Йўлингиз беҳатар бўлсин".



Милиция старшинаси М. Мирубаев хизмат пайтида.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳар гал ҳайдовчию пиёдаларни яхши тилак билан кузатиб қолишади. Улар кўча ва йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, ҳайдовчилар мавжуд қондаларга амал қилишига эришиш учун бор имкониятларни ишга солишяпти.

Ҳозир айни ёзги таътил пайти. Ҳамма болалар ҳам оромгоҳларда дам олишяпти ёки ота-оналар назорати остида деб бўлмайди. Уларнинг кўпчилиги боғу сайилгоҳларда сайр этишни хуш кўришади. Фарзандларимиз аттракционларда маза қилиб учини, кўлда чўмилиш, офтобда тобланиш учун эрталабдан ушбу масканларга шошишади. Хуллас, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ 4-йўл-патруль хизмати отряди ходимларига иш етарли.

А. КЕНЖАЕВ олган суратлар.

УШБУ СОНДА:

### ҲАР БОШОҒИ ОЛТИНГА ТЕНГ

Мавсум давомида ички ишлар идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида вазирликда "Фалла - 2003" тезкор штаби фаолият кўрсатмоқда.

2

### НУЖ БРИТАНИЯЛИК ПОЛИЦИЯЧИЛАР НИГОҲИДА

Шакли икки қаватли шаҳар автобусига ўхшаган НУЖни Перкс беш дақиқалар кузатиб турган. Жисм ўзидан хуштаксимон товуш чиқарган, кейин тўсатдан ғойиб бўлган.



5

### МЕҲРНИНГ ОРТИҚ ЧАСИ БЎЛАДИМИ?

Бир куни ўртоқларидан бирининг туғилган кунини нишонлашди. Паша ҳам онасидан руҳсат олиб борди. Ярим кечагача ўйин-кулгу қилиб, ичиб ўтиришди. Бор пулларини сарфлашди.

13

### МОСКВА: ТУШИНОДА ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТИ

Шу йил 5 июль куни Москвада террорчилик ҳаракати содир этилди. Шаҳарнинг Тушино қисмида, рок-фестиваль ўтаётган жойда "Қора бева" номини олган террорчи-аёллар ўзларини ўзлари портлатиб юборишди.



14

Шунингдек, газетамиз саҳифаларида кроссвордлар, спорт хабарлари, криминал воқеалар ва бошқа материаллар билан танишасиз.

## УЧИНЧИ

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI




«Постга»  
gazetasining ilovasi

## О'ЛАМ

«Фалла - 2003»

# ҲАР БОШОҒИ ОЛТИНГА ТЕНГ



Фалла ўрим-йиғими даврида жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин ҳавфсизлигини таъминлаш, бошоқли дон экинлари ҳосилини талон-торож қилинишига йўл қўймаслик учун республика Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги тизимлари томонидан қатор амалий ишлар қилинапти. Мавсум давомида ички ишлар идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида вазирликда «Фалла - 2003» тезкор штаби фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда бу ерга жойлардан етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, ташмачилик ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик борасидаги саъй-ҳаракатлар, эришилаётган натижалар хусусида маълумотлар келиб турибди.

Ҳозирда фалла майдонлари ва дон қабул қилиш корхоналарида 1300 дан ортиқ назорат постлари ташкил этилиб, 3670 нафарга яқин ички ишлар ходимлари жалб қилинган. Фалла ташиётган ҳар бир транспорт воситаси ички ишлар, ҳўжалик ва маҳаллалар вакиллари билан биргаликда кузатиб борилапти. Мавсум пайтида ёнғин келиб чиқмаслиги учун улар ўт ўчириш мосламалари ва учқун сўндиргичлар билан таъминланган бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дон сақланадиган омборлар ва дон қабул қилиш корхоналарининг ёнғинга қарши ҳолати тез-тез текширувдан ўтказиб турилибди.

Бундан ташқари, ўрим-йиғимда иштирок этаётган

шахслар, ҳўжалик раҳбарлари, комбайнчи, ҳайдовчи ва тракторчилар ўртасида фалла билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёнғин ва ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича суҳбатлар ўтказилапти. Аҳоли ўртасида кенг профилактик ишлар йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда. Аммо шунга қарамай ўз бурчини унутиб, халқ ризқига кўз олайтираётган кимсалар ҳамон учраб турибди.

Шу йил 1 июлгача республикамизда фалла билан боғлиқ қонунбузарликлар учун 5 та жиноят иши кўзга-тилгани фикримизнинг далилидир. Ташмачилардан ўн минг килодан ортиқ фалла мусодара қилиниб, давлат омборларига топширилди.

Масалан, 27 июнь куни Фарғона вилояти Олтиариқ тумани, Иттифоқ ширкат ҳўжалиги маъмурияти тумани ИИБга мурожаат қилиб, тунги соат 03-00 ларда номаълум шахслар дон сақланаётган омборхонага кўча тарафдаги дераза ойнасини синдириб кириб, 11 та қопдаги 463 килограмм бугдойни ўғирлаб кетишганини маълум қилган. Олиб борилган тезкор қидирув ишлари натижасида ушбу жиноятни содир қилган шахслар шу ширкат ҳўжалиги ишчилари Р. Жўра ва У. Шавкат эканлиги аниқланиб, далилий ашё билан қўлга олинганлар.

Жалолқудуқ туманидаги Ойим ширкат ҳўжалиги, Мирзо Улуғбек кўчасида яшовчи О. Икром ўзига бириктирилган «ЗИЛ-130» русумли автомашинада кечаси 3640 кг донни қабул

пунктига олиб кетаётиб, шу ширкат ҳўжалиги дала қоровули И. Қудрат билан жиноий тил бириктиради. Қудратнинг уйига дондан 840 килограммини тушираётганда милиция ходимлари томонидан ушланади.

Пахтаобод туманидаги 59-Пахтаобод автокорхонаси ҳайдовчиси Ю. Нуриддин ҳам олғирлик қилмоқчи бўлади. У ўзига бириктирилган «ЗИЛ-130» русумли автомашинада 4300 кг донни қабул пунктига олиб бораётиб, нияти бузилади. Ишчи У. Мухиддин билан жиноий тил бириктириб, 1350 килограмм фаллани уникига тушириб кетаётганда қўлга тушади.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Фалла билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга нисбатан маъмурий чора кўрилди. Улардан бир миллион 63 минг сўмдан ортиқ жарима ундирилди, 8235,5 килограмм фалла мусодара қилинди.

Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, жойларда мавсумга жалб этилган профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари, ёнғин ва йўл ҳаракати ҳавфсизлиги ходимлари, маҳалла фаоллари қонунбузарликларга йўл қўймаслик учун ўзларига топширилган участкаларда ҳўшёр турибдилар. Шундай экан, халқимиз ризқ-рўзи бўлмиш ҳар бошоғи олтинга тенг фаллани ўмарий, талон-торож қилиш, нест-нобуд қилишга уринаётган кимсалар хомтама бўлмасликларини истардик. Зеро, уларнинг ноҳўя қилмишлари албатта фош этилиб, қонун олдида жавоб берадилар.

**М. РАВШАНОВ,**  
милиция майори.

## Жойлардан хабарлар

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Ички ишлар вазирликлари, Қизил Ярим Ой жамияти Миллий Кенгаши, «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистон телерадиокомпаниялари ҳамкорлигида Самарқанд туманидаги «Ситора» болалар оромгоҳида йўл ҳаракати ёш назоратчиларининг республика слёти ўтказилди.

## ЁШ НАЗОРАТЧИЛАР СЛЁТИ

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг республика босқичига йўлланма олган гуруҳлари иштирок этишди. Мусобақаларда йўлларда ҳаракатланиш қоидалари бўйича имтиҳондан ўтиш, «Хавфсиз гилдирак», «Ёш пиёда», «Ҳаракатни тартибга солувчи», радиотўлқинлар орқали бошқариладиган транспорт воситалари ҳаракати, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, йўл ҳаракати ҳавфсиз-

лиги тарғибот гуруҳларининг деворий газета ва макетлар тайёрлаш каби шартлар бўйича қизгин беллашувлар бўлди.

Биринчи ўрин Самарқанд вилояти ёш автоназоратчиларига насиб этди. Фолибларга таъсисчилар ҳамда Самарқанд вилояти ички ишлар ва халқ таълими бошқармаларининг совгалари топширилди.

**М. РИХСИЕВ,**  
милиция майори.

## БОБОКАЛОНИМИЗНИ УЛУҒЛАБ

Бу йил буюк бобокалонимиз Абдухолик Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги жаҳон миқёсида нишонланмоқда. Шу муносабат билан жойларда аллома ҳаёти ва бой маънавий меросини ўрганиш бўйича тадбирлар ўтказилапти. Яқинда шундайлардан бири Бухоро вилояти ИИБда бўлиб ўтди. Унда таниқли шоира Зулфия Мўминова иштирок этиб, Ғиждувонийнинг илмий салоҳияти ҳақида маъруза қилди ҳамда янги шеърларидан ўқиб берди.

**Ш. СУЯРОВ.**

# ХАЛҚ РИЗҚИГА ЧАНГ СОЛГАНЛАР

Қашқадарё вилояти Яқкабоғ тумани ғаллакорлари ўрим-йиғимни муваффақиятли яқунлаш учун астойдил тер тўкишмоқда. Улар мавсумни уюшқоқлик билан ташкил этишда туман ички ишлар идоралари деҳқонларга яқиндан ёрдам беришмоқда. Хусусан, - ғаллазорларда меҳнат қилаётган 80 та ўрим комбайнлари ҳамда 150 дан ортиқ автотранспорт воситаларини доимий назорат қилиб, йиғиштириб олинаётган дон ўз вақтида омборларга етказиб борилишини таъминламоқдалар. Бундан ташқари далаларда, хирмон жойларида, омборларда техник ва ёнғин ҳавфсизлигининг ол-

дини олиш борасида ўзига хос ишлар амалга ошириляпти. Шунингдек, ғаллани талон-торож қилиш майда ташмачилик кабиларга қарши курашиш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйишган.

Бироқ шунга қарамай халқ насибасига кўз олайтирадиган кимсалар учраб турибди. Масалан, шу йил 29 июнь куни Яқкабоғ тумани ички ишлар бўлимига тушган тезкор маълумотга асосан ЖҚ ва УЖҚБ тезкор вакиллари тумандаги Ж.Михлиев номли ширкат ҳўжалигида ғалла ташиш учун шартнома асосида ишлайётган В. Шавкат «МАЗ Е500» русумли автомаши-

нада 8 минг 650 кг бугдойни белгиланган манзилга эмас, Чироқчи туманидаги бозорга олиб борган. У фуқаро Х. Камолга донни 527 минг сўмга пуллаб, ҳеч нарса кўрмагандек ҳўжалик омборига келган. Юк хатига асосан яна шунча донни юклар Яқкабоғ «Дон маҳсулотлари» масъулияти чекланган жамияти омбори томон йўл олаётганда туман ИИБ ходимлари уни қўлга олдилар. Фалла мавсуми давомида бу каби нопокликлар кам бўлса-да, учраб турибди. Халқ ризқига чанг солганларга қонуний чора кўрилаверади.

**Б.ЭРҒАШЕВ,**  
милиция старшинаси.

## ТАШМАЧИЛАРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

Фалла ўрим-йиғимига тайёргарлик кўриш ва етиштирилган ҳосилни ўз вақтида нобудгарчиликларсиз йиғиштириб олиб, давлат омборларига ташиш жараёнида ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлаш шу кунларда йўл ҳаракати ҳавфсизлиги ходимлари олдида турган асосий вазифалардир.

Навоий вилояти ҳудудида мавсумда 460 та автомашина, 320 та трактор, 112 та комбайнлар иштирок этмоқда. Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги ходимлари томонидан техника ва механизмларнинг техник ҳолати қатъий назоратдан ўтказилиб борилмоқда. Шу билан бир қаторда мавсумга жалб этилган ҳар бир ҳайдовчи транспорт воситаларини носоз ҳолда бошқармаслиги огоҳлантириб борилмоқда. Бундан ташқари дон нобудгарчилигига йўл қўймас-

лик мақсадида кўшимча назорат постлари ташкил этилган, улар томонидан ҳар бир дон ташиётган транспорт воситаси текширилиб, керак бўлса манзилгача кузатув орқали олиб боришлари йўлга қўйилган.

Олиб борилган чора-тадбирларга қарамай айрим фуқароларимиз томонидан ўз нафсларини устун қўйиб, қинғир йўллар билан донни талон-торож қилиниши ҳоллари учраб турибди.

26 июнь куни Навоий шаҳар «Навоийазот» ишлаб

чиқариш бирлашмаси қаршисидаги чорраҳада ЙПХ ходимлари томонидан Навоий ТЭАга қарашли «Газ-53» русумли автомашина гумонсираб тўхтаиб текширилганда, ҳайдовчи Э. Улуғбек юкхонада ноқонуний равишда 200 кг бугдойни олиб кетаётгани аниқланди.

27 июнь куни Конимех тумани Х. Олимжон ширкат ҳўжалиги Шўртепа қишлоғида яшовчи фуқаро Б. Қобилга қарашли «Бисен» фермер ҳўжалиги даласидан Шўртепа қишлоғида яшовчи Б. Юлиус ва С. Маратлар 5 та қопда 223 кг бугдойни ўғирлаб кетаётган вақтда ЙПХ ходимлари томонидан ушланган.

28 июнь куни Навбахор тумани «Дўстлик» ширкат ҳўжалиги ҳудудида эшак-аравада келаётган «Навбахор» ширкат ҳўжалигида яшовчи Қ. Тўлқин ЙПХ ходимлари томонидан тўхтаиб текширилганда 100 кг бугдойни ҳеч қандай ҳужжатсиз олиб кетаётганлиги маълум бўлган.

**С. ЭРҒАШЕВ,**  
милиция майори.

## ХОДИМЛАР СИНОВИ

Бугунги кунда аҳолининг ҳуқуқий билимини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқий маслаҳат ёки ёрдам сўраб кўпроқ мурожаат қиладиган жойи бу - ички ишлар идораларидир. Шу боис, авваломбор милиция ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент вилояти ИИБ ШТБХХ ходимлари шахсий таркибининг ҳар томонлама етуқ, ўз соҳасининг билимдонни, юксак маданиятли бўлишлари учун мунтазам равишда маърифат дарслари, хизмат ва жанговар тайёргарлик машғулотларини ўтказиб келишапти. 2002-2003 ўқув йилида ходимлар билан олиб борилган сиёсий-ижтимоий ўқувларининг ўзлаштирилиши бўйича синов ўтказилди. Ҳайъат аъзолари назарий билимларни амалиёт билан боғлаган ҳолда имтиҳон қабул қилдилар.

- Ички ишлар ходимлари ўз касб маҳорати, жанговар-жисмоний тайёргарлиги бўйича билим ва кўникмаларини ошириш билан бирга, маданий-маънавий савияларини ҳам кенгайтириб боришлари лозим, - дейди комиссия ҳайъати аъзоси, милиция лейтенанти Файзулло Худойкулов. - Улар синов яқунлари, эришилган натижалардан қаноатланиб қолмай, бу борадаги билимларини тинмай такомиллаштириб боришлари зарур. Биз доим ана шунга эришишга ҳаракат қилаялмиз.

**Ш. АНВАРОВ,**  
милиция катта лейтенанти.

## ФУҚАРОЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни ўрганиб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Гулистон шаҳрида Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ички ишлар идоралари терговчиларининг кўшма тренинги бўлиб ўтди.

Тадбирда АҚШ юристлар ассоциацияси юристи Люси Мартинг хоним ва Тошкент Давлат юридик институти халқаро ҳуқуқ кафедрасининг илмий ходими, юридик фанлари доктори Гулчехра Маткаримовалар иштирокчиларга инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясига киритилган янги пактлар талабларини ҳаётга татбиқ этиш жараёни тўғрисида сўзлаб бердилар.

Унда шахсни жиноий ҳаракатда айблаш, ҳибсга олиш, унга жазо белгилашда мавжуд қонунларга риоя этилган ҳолда ҳимоячи билан таъминланиши, унинг ҳуқуқини ҳимоя қилишда халқаро ҳуқуқ меъёрларига амал қилиб иш юритиш давр талаби эканлиги таъкидлаб ўтилди.

**Қ. КАРИМОВ,**  
милиция капитани.

«Обуна - 2003»

## АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган таҳририятда газета ва журналларга 2003 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обунани ташкиллаштириш масаласи ўрганиб чиқилди. Фарғона, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм ва Сурхондарё вилоятлари ИИБлари, Тошкент шаҳар ИИББ, ИИББ ҳузурдаги қўриқлаш бошқармаси, пойтахтимизнинг аксар туманлари ИИБларида обуна уюшқоқлик билан ташкил қилинди. Бунинг учун ташкилотчиларга самимий миннатдорчилик билдирамиз. Аммо Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент, Самарқанд ва Навоий вилоятлари ИИБларида обунани ташкил этишга етарли эътибор берилмади. Уйлаймики, улар июль ойи мобайнида бу масалага жиддий ёндашадилар. Бундан кейин ҳам ҳуқуқ-тартибот ва жамоат ҳавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлида ҳамкорлик қилаверамиз, ўзаро алоқаларимиз янада ривож топаверади.

**ТАҲРИРИЯТ.**

**Хизматларда**

**Табий офатлар дунёда кўплаб кишиларнинг бошига кулфат солмоқда. Шундай офатлардан бири ёнғин балосидир. Унинг келиб чиқишига кўпроқ лоқайдлик, этиборсизлик, парижонхотирлигимиз сабаб бўлмоқда. Ёнғин ҳақидаги маълумотлар билан танишар эканман, кўз ўнгимда санокли дақиқалар ичида бутун мол-мулки кулга айланиб, уй-жойидан айрилган, тан жароҳати туфайли ҳаётдан бевақт кўз юмган юртдошларимизнинг аянчли аҳволи намоён бўлади.**

Уйчи тумани Ёркўрғон қишлоғи "Янги" маҳалласида яшовчи Т. Ҳайитов хонадонидан содир бўлган кўнғилсизлик оила аъзолари, қариндош-уруғ, кўни-кўшнилари хотирасидан ўчмас керак. Аслида воқеа бундай бўлганди. Уйга маст ҳолатда қайтган йигит кўлида чўғи ўчирилмаган сигарет билан ўринда ухлаб қолади. Ундан тушган чўғ туфайли хонадон аланга ичида қолади.

Воқеа жойига етиб келган ёнғин ўчирувчилар Т. Ҳайитовни олов қаъридан олиб чиқадилар. Унга барча зарур ёрдамлар кўрсатилади. Аммо жароҳати оғир бўлганлиги боис Т. Ҳайитов орадан уч кун ўтгач, шифохонада ҳаёт билан видолашади.

Чуст тумани Олмос қишлоғи, "Қоратеп" маҳалласида ҳам ана шундай кўнғилсизлик юз берди. 11 ёшли Умиднинг иккала биллаги, юзи, пешонаси

# ҲУШЁРЛИК — ХОТИРЖАМЛИККА КАФОЛАТ

оловдан қуяди. Ёш қизалоққа ишониб, тандирга ўт қалашни буюрган ва назорат қилмаган ота-онанинг дод-фарёди энди беҳуда эди.

Косонсой шаҳар 2-берк кўча, 8-уйда содир бўлган ёнғин ҳодисаси шу хонадонда яшовчи А. Ризалиевнинг табиий газдан нотўғри фойдалангани оқибатида келиб чиқди. Шунингдек, давлатободлик С. Куланованинг носоз электр иситгичдан фойдалангани ҳам қимматга тушди.

Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари ана шундай бахтсиз ҳодисаларнинг олдини

олиш мақсадида вилоятдаги мактаб, коллеж, лицей ва мактабгача тарбия муассасаларида ёнғин хавфсизлиги бўйича тадбир, учрашув ва тунги текширувлар ўтказишмоқда.

Мазкур билим даргоҳларида ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этилмаслиги кишини ташвишга солади. Текширишлар натижасида бир қатор муассаса ва масканларнинг раҳбарлари ёнғин хавфсизлиги талабларига бепарволик билан қарашаётгани аён бўлмоқда. Наманган, Мингбулоқ, Чортоқ, Поп туманларидаги бир қатор мактаб ва Косон-

сойдаги 47-интернат ёнғин ўчириш қуроллари билан умуман таъминланмаган. Бинолардаги электр қуввати тақсимлаш қутилари ҳимоясиз, захира кириш-чиқиш эшиклари маҳкамлаб ташланган, ҳовузлар сув билан тўлдирилмаган. Айрим билим даргоҳларида эса кўлбола электр иситгичлардан фойдаланилмоқда. Натижада...

Наманган шаҳридаги 27-ўрта мактаб хўжалик мудир Ш. Саидхонов ўта маст ҳолда носоз электр плитасидан қуйиш тан жароҳати олади. Афсуски, кўрсатилган тез тиббий ёрдам унинг ҳаётини сақлаб қолмади.

Энди бир мулоҳаза юритайлик. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига этиборсиз муносабатда бўлсак ёки электр иситгич ва газ асбобларидан қонунга хилоф равишда фойдалансак кўнғилсиз ҳодисалар рўй бермайди, деб ким кафолат беради? Афсуски, ҳеч ким. Юқоридаги мисолларни келтиришдан мақсадимиз барчани ҳушёрликка чақиртиришдир. Чунки ҳушёрлик хотиржамликка кафолат беради.

**Б. ДЕДАБОВЕВ,**  
ички хизмат подполковниги.

## ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ

Бу воқеа киш фаслида содир бўлганди.

Иштихон тумани ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлинмаси томонидан кўриқланаётган энг чекка иншоотга бораётган эдик. Навбатчи автомашинани ҳайдовчи-милиционер, милиция сержанти Шавкат Раҳмиддинов бошқарарди. Шаҳарлараро йўлнинг чекка бир жойида махсус милиция автомашинаси турганини кўрдик. Сержант Раҳмиддинов машинани тўхтатиб, ҳайдовчидан ҳол-аҳвол сўради. Маълум бўлишича, автомашина бузилиб қолибди. Ҳайдовчи қарийб бир соатдан буён ёрдам кутаётган экан. Автомашина ичида уч нафар маҳбуслар ҳам бор эди.

Ҳаво совуқ, қор гупиллаб урарди. Сержант Раҳмиддинов изғиринга қарамай, автомашинани ярим соат давомида тузатди. Шундан кейин экипаж миннатдорчилик билдириб, ўз манзили томон кетди.

Шавкат Раҳмиддинов етти йилдан буён ички ишлар идораларида ҳайдовчи вазифасида хизмат қилмоқда. Туман ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлинмаси бошлиғи, милиция катта лейтенанти А. Янгибоев сержант Раҳмиддинов ҳақида илиқ гапларни айтди:

– Ўз вазифасига масъулият билан ёндашади, техникани кўз қорачиғидай асраб, ўзи таъмирлайди ва ҳамisha хизматга шай ҳолатда сақлайди.

Шавкат Иштихон туманининг Митан кўрғонида, ўқитувчи оиласида вояга етган. Ўрта мактабни тугатиб, ҳарбий хизматга отланди. Хизматни Ички кўшинлар сафида ўтади. Ўша даврдан унда милицияда хизмат қилиш орзуси пайдо бўлди. Шавкат орзуси ушалганидан ўзини бахтиёр ҳисоблайди. У камтарин, ҳамкасблари билан доимо самимий муносабатда. Касбини севади ва ҳурмат қилади.

Милиция сафида Шавкат Раҳмиддинов сингари фидойий ходимлар борлигидан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

**А. ҒУЛОМОВ,**  
милиция майори.

**Хизмат итлари питомникларини замон талаблари даражасида техник воситалар билан жиҳозлаш, моддий-техник ва ўқув-услубий база яратиш мақсадида Термиз тумани ҳудудидан 6 гектар ер майдони ажратилган эди. Қисқа муддат ичида бу жойда итлар учун озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва овқат тайёрлаш, уларни кўриқдан ўтказиш, даволаш, ювинтириш хоналари ҳамда ходимларга маъмурий бинолар куриб битказилди.**

## ЯНГИ ПИТОМНИК



Куни кеча ана шу замон талаблари асосида жиҳозланган наслдор хизмат итлари питомниги ўз ишини бошлади. Питомникнинг очилиш маросимида вилоят ИИБ шахсий таркиби, ички ишлар фахрийлари ҳамда қурувчилар қатнашишди. Тантанана иштирок этган вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги М. Жабборов ҳамда вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши

раиси, истеъфодаги милиция полковниги М. Бобоевлар алвон лентани қирқишди. Қурилишда фаоллик кўрсатган қурувчиларга вилоят ИИБнинг эсдалик совғалари топширилди.

**А. ХОЛИҚОВ,**  
милиция капитани.

Суратда: наслдор хизмат итлари питомнигида.

**Э. ТУЛЯЕВ** олган сурат.

Паспорт ҳар бир фуқаронинг шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Шу боис ҳам у мустақил мамлакатимиз рамзларидан бири бўлиб, унга эга бўлиш қонун билан белгилаб қўйилган. Айниқса, сўнги йилларда ушбу ҳужжатга муносабатни такомиллаштириш юзасидан бир қатор фармойиш ва қонунлар қабул қилиндики, бу албатта, паспорт тизими тартибларини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Қонун ва амалдаги тартиб-қоидаларга кўра, фуқаро ҳужжати авайлаб-асраши, 25, 45 ёшга тўлишга 15 кун қолганда тегишли сурат билан амал қилиш муддати тугаганлиги сабабли, алмаштириш учун доимий яшаш жойидаги ички ишлар идорасига мурожаат этиши лозим. Шунингдек, хонадонга мөҳмонга, дафн ёки бошқа

## БАРЧАНИНГ БУРЧИ

маросимларга, зиёратга, ишбилармонлик йўналишлари бўйича вақтинчалик келган чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар белгиланган уч кун муддат ичида рўйхатдан ўтказиш учун ҳаракат қилишлари белгилаб қўйилган. Албатта, улар чегара ҳудудига кириш, вақтинча бўлиши, ёхуд ўтиб кетиш тартиб-қоидаларига қатъий риоя этишлари талаб этилади. Ақс ҳолда маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Ана шу талаблардан келиб чиқиб, жорий йилнинг ўтган давр мобайнидаги Охунбобоев туманидаги аҳволни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, бир қатор тартиб-бу-

зарлик ҳолатлари учраб турибди. Масалан, бошқа хизмат ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган "Тозалаш", "Арсенал", "Паспорт" каби тадбирлар давомида паспорт юритиш қоидаларини бузган 260 нафардан ортиқ фуқаро аниқланди. Уларга нисбатан баённома тузилиб, 1 миллион сўмдан ортиқ жарима ундирилди.

Шунингдек, паспорт тизими қоидаларига зид равишда вақтинчалик республикамиз ҳудудида яшаб турган 9 нафар чет эл фуқаролари ва фуқароси бўлмаган шахслар ўз ихтиёрлари билан Ўзбекистон Республикасидан чиқиб юборилди.

Доимий яшаш жойларига 2316 нафар фуқаро рўйхатга олингани ҳолда уларнинг 3 нафарига Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 28 январдаги Қарорида мурожаат қилаётган фуқародан ҳар бир ташкилот раҳбари, аввало, шахсини тасдиқловчи ҳужжатини талаб қилиши, уни синчиклаб текшириши ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина иш бериши лозимлиги ўқтирилади. Лекин шунга қарамай тумандаги ташкилот ва корхоналарнинг баъзи масъул мутасаддилари бу талабларга этибор бермаётдилар.

## САЛОМАТЛИКНИ АСРАШ – БУРЧИМИЗ

**Мамлакатимизнинг шимолий ҳудудида жойлашган Қорақалпоғистон Республикасидаги экологик ҳолат бутун дунё халқлари олдидаги ечимини кутаётган муаммолиги ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабли ҳам ҳукуматимиз Оролбўйи аҳолисининг турмуш тарзини яхшилаш, саломатлигини асрашга жуда катта аҳамият бермоқда. Янги-янги ичимлик сув ҳавзалари яратилиши, чўлларда кум йўлини тўсиб, дарахтзор ва бутазор-ўрмонлар ташкил этилиши, республика ҳудудида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, санитария ҳолатига алоҳида этибор берилиши аҳоли саломатлигини сақлашда асосий омил бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ тиббиёт бўлимида ҳам ички ишлар идоралари ходимлари, уларнинг оила аъзолари ва фахрийларнинг саломатлигини асраш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.**

– Хизматимиздан фойдаланаётганлар саломатлигини муҳофаза қилиш, касалликларни вақтида аниқлаб, даволаш чораларини кўриш мақсадида кенг қамровли профилактик тиббий кўрик ўтказиш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиққанмиз, – дейди тиббиёт бўлими бошлиғи, ички хизмат майори Б. Қурбанов. – Жорий йилнинг ўтган даврида шунга кўра айниқса аёллар ва болалар саломатлигига катта этибор қаратилмоқда. Масалан, ички ишлар тизимида хизмат қилаётган йигирма нафарга яқин ходимларнинг фарзандлари республикамиздаги турли масканларда ўз соғлиқларини тиклаб қайтдилар. Шунингдек, "Жаслык" кўрғони аҳолиси ва уларнинг юзга яқин фарзандларига намунавий тиббий хизмат кўрсатилди. Ҳомилдор аёллар ва мактабгача ёшдаги болаларга дори-дармонлар бериш йўлга қўйилди.

Тиббий кўриқдан ўтказилган икки юзга яқин фахрийларимизга "Зарафшон", "Чинобод", "Янгийўл", "Семурғ", "Ботаника" каби санаторияларда дам олиб, саломатликларини тиклаш учун йўлланмалар берилди. Беш нафар пенсионерга протез-ортопедия буюмлари топширилди.

Вазирлик томонидан Нукус туманида замонавий даволаш-соғломлаштириш марказининг куриб битирилиши айтиш мумкин бўлди. 35 ўринли бу масканда ходимлар ва уларнинг оила аъзолари, фахрийлар даволаниши учун ҳамма шарт-шароит муҳайё қилинган.

Узоқ йиллардан буён бўлимимизда хизмат қилаётган кардиолог Л. А. Ли, педиатр Т. Уразалиева, окулист Б. Бегимбаева, невропатолог Е. Ешанов, стоматолог Е. Жапбарбергенов каби шифокорларимиз, Д. Матжапова, Р. Ли, З. Вахитова, Н. Турдимуратова каби ҳамшираларимиз номини ҳурмат билан тилга оламиз. Улар беминнат хизматлари билан ҳамкасблари орасида намуна бўлишяпти.

**Д. ХУДОЙШУКУРОВ** тайёрлади.

"Пахтакор" ширкат хўжалигида ўтказилган навбатдаги назорат тартибидаги текширишда ходимлар бўлими бошлиғи М. Жўраева фуқаро А. Ҳайдаровани амал қилиш муддати ўтган паспорт билан ишга қабул қилиш тўғрисида ҳужжат расмийлаштирган. Бу қоидабузарлик юзасидан хўжалик бошқарув ҳайъатига тақдимнома киритилди.

Паспорт тартиботи қоидаларига риоя этиш давлат аҳамиятига молик ишдир. Бу фақатгина маъмурий идораларнинг зиммасидаги вазифа эмаслигини яна бир қарра ўқитиш ҳолда, барча юртдошларимизни амалдаги қоидаларга оғишмай амал қилишга чақирамиз.

**А. СУЛТОНОВ,**  
милиция майори,  
Фарғона вилояти.

## Осойишта маҳалла обод бўлади

**«Республикамизнинг барча қишлоқларида, овулларида ва энг чекка аҳоли пунктларида ҳам профилактика инспекторлари бўлсин. Шу ердаги халқ билан ҳамнафас бўлиб, унинг дарди, ғам-ташвишлари билан яшасин. Токи халқ олиб борилаётган ишлардан қониқиш ҳосил қилиб, бизнинг қишлоққа ҳам профилактика инспекторлари етиб келди, деб гапирадиган бўлсин».**

**И. КАРИМОВ.**

Аъзам Абдураззоқов. — Масалан, 16 июнга ўтар кечаси “Жаҳонгир сервис” дўконда ўғрилик юз берди. Олиб борилган тезкор суриштирувлар натижасида қибрайлик Р. Бекзод бу ўғриликни содир этгани маълум бўлди. Ш. Пўлатов иккимиз воқеа содир бўлган куннинг эртасигаёқ ўғрининг изига тушиб, ўмарилган деярли тўрт миллион сўмлик маҳсулотларни дали-

тан оладилар. Айниқса ёшлар, ўсмирлар билан ишлашда “бир болага етти кўшни ота-она” ҳикматиға амал қилинаётгани, маҳалла оқсоқоли профессор Э. Худойбердиев фаоллар кўмагида болалар спортини ривожлантириш, ёзги таътил кўнгидагидек ўтиши учун турли тўғараклар ташкил қилишга астойдил киришганини айтиб ўтишди.

Профилактика инспекторла-

рининг амалга ошираётган ишлари бўйича берган ҳисоботларини тинглар эканман, маҳалла фуқаролар йиғини идораси ҳамда милиция таянч пункти алоҳида биноларда фаолият юритиши уларнинг бир-бирларидан бирмунча узилиб қолишига сабаб бўлган, деб ўйлайман. Тошкент шаҳар ҳокимининг маҳалла гузари ёнидаги бўш жойга милиция таянч пункти қуриш ҳақидаги қарори бунга барҳам бериб, ҳамкорликни кучайтирган ҳолда иш олиб боришга имкон берди.

Маҳаллада бор-йўғи 12 та маҳалла посбони мавжудлиги ажабланарлидир. Менимча, ҳеч бўлмаса 2-3 та уйдан биттадан посбон сайланиши зарур.

— Милиция ходимларининг иши жуда оғир, — деди сўзга чиққан фуқаро А. Раҳмонов. — Шунга қарамай уларнинг фаолиятини кучайтириш, тартиб-сизликларга қарши ҳамкорликда иш олиб боришимиз, кўз олдимизда содир этилаётган ноҳўя ишларга бепарво бўлмаслигимиз зарур.

— Маҳалламизда хизмат қилаётган профилактика инспекторлари биринчи марта аҳоли олдида ҳисобот бердилар, — деди йиғилиш якунида маҳалла оқсоқоли Э. Худойбердиев. — Ҳисоботдан уларнинг фаолиятида ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам мавжудлиги маълум бўлди. Камчиликларни бартараф этиш учун халққа янада яқинлашиб, тўй-маъракаларда қатнашишлари, ҳамма маҳалла аҳли билан ҳамкорлик қилишлари керак.


Йиғилганлар профилактика инспекторларининг жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширган ишларини бир овоздан қониқарли деб топишди.

**Ш. ШОБАРАТОВ.**

*Суратда: профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Аъзам Абдураззоқов ҳисобот бермоқда.*

**Муаллиф олган сурат.**

## ИНСПЕКТОРЛАР ҲИСОБ БЕРИШДИ



лий ашё сифатида қўлга олдик. Ўғрилик юз беришига кўпроқ тунги гуруҳларимиз, маҳалла посбонларининг ўз ишига кўнгидагидек ёндашмаётгани, маҳалламизга ташриф буюраётган бегона одамларга нисбатан бепарволиги бўлса, унинг бунчалик тез очилиши маҳалла аҳли билан ҳамкорлик самараси, деб ўйлайман.

Профилактика инспекторлари ўз муаммолари, уларни ҳал қилишда юрт кўмагига суянишларини очик кўнгилик билан

рининг ҳисоботини диққат билан тинглаган фуқаролар қатор саволлар бериб, уларнинг фаолиятига нисбатан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Маҳалладаги милиция таянч пункти ва унда хизмат қилаётган профилактика инспекторларининг вазифаси ҳар қандай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишдир, — деди Юнусобод тумани ИИБ ҲООБ бошлиғи, милиция капитани А. Ҳасанов. — Профилактика инспекторла-

зал-азалдан аждодларимиз маҳалла бўлиб яшаганлар. Буюк саркарда Амир Темур “Темур тузуклари”да ёзишча, ўзи барпо этган бепоён, қудратли салтанатни бошқаришда маҳалла мутасаддиларига таянган. Мутафаккир шоир Алишер Навоий эса ўзининг “Мажолисун-нафоис” тазкирасида маҳаллалар хусусида кўп ажойиб фикрлар баён этган.

Маҳаллаларда янги-янги анъаналар, тақомиллашаётган маънавият ва қадриятларимиз намуналари жуда кўп. Шулардан бири, маҳалла дарди, ташвиши билан яшаётган, маҳалланинг “ўз кишиси”га айланган профилактика инспекторлари фаолияти ва уларнинг халқ олдида ҳисобот беришидир.

Хўш, илгари “участковой”лар йўқмиди? Бор эди. Фақат уларнинг фаолияти кўпроқ аҳолини қабул қилиш, келиб тушадиган арзномаю шикоятларни кўриб чиқишдан иборат эди.

Энди-чи? Энди профилактика инспектори ўзига биркитилган ҳудуд аҳолиси билан ҳамжиҳатликда яшайди. Унинг яхши-ёмон кунларида бирга бўлади. Эл ютуғидан қувонади. Бу ютуқлар қоғозда эмас, амалда бўлишига интилади.

— Биз хизмат қилаётган “Ўзбекистон мустақиллиги” маҳалласида 82 та кўп қаватли уйлар бўлиб, уларда ўн беш мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — деди ҳисобот йиғилишида профилактика инспектори, милиция лейтенанти Шавкат Пўлатов. — Жорий йил-

нинг ўтган ойларида режага кўра маҳалладаги саккизта ўрамнинг ҳар бирида аҳолининг паспорт тизимиға амал қилиши, гиёҳвандликка, спиртли ичимликларга ружу қўйишга қарши курашиш, ёшлар ва вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишга қаратилган “Тозалаш”, “Ўсмир”, “Орият”, “Тун”, “Қоралори — 2003” каби кўплаб тадбирларда иштирок этдик. Тадбирлар давомида ноқонуний равишда фуқароларни ўз хонадонига ижарага қўйиш, паспорт олиш ва алмаштириш, нобоп оила, спиртли ичимликларни суистеъмол қилиш қабиларга оид ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, айбдорларга нисбатан маъмурий баённомалар тузилди. “Бахт”, “Иттифоқ”, “Омад”, “Аҳмад Охун”, “Дўстлик” “Марказий” каби ўрамларда аҳоли билан учрашувлар ўтказилди. Маҳалладаги боғча ва мактабларда бўлиб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида суҳбатлар уюштирдик.

— Маҳалламизда юз берган олтита жиноятнинг тўрттаси очилди. Улар асосан ўғирликлардан иборат, — дея ҳамкасбининг гапини давом эттирди милиция катта лейтенанти

сотиш мақсадида экканини яширмади ҳам. 50 ёшли Олимжон эса томорқасида асраб-авайлаб ўстираётган 280 туп кўкнорни қандай аниқлаганимизга ҳайрон қолди. Юқоридагиларга ўхшаш қонунларимизда экиб ўстириш ман қилинган, таркибида гиёҳвандлик моддалари мавжуд экин “ишқибоз”ларидан тўрттасига нисбатан жиноят иши кўзгатилиди.

— Аҳоли билан ўтказилган учрашувлар ва уларнинг самараси ҳақида тўхталдингиз. Бундай тадбирларда профилактика инспекторларидан бошқа қайси хизмат вакиллари иштирок этадилар?

— Бирор жойда йиғилиш бўлса, барча хизматлардан ходимлар таклиф этилади. Улар қатнашчилар томонидан берилган саволларга жавоб қайтардилар. Бунда ИИБ тергов бўлими терговчиси, милиция капитани Равшанжон Сотволдиев, пас-

порт бўлими бошлиғи, милиция капитани Хусанбой Тошқўзиев, ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими бошлиғи, милиция капитани Равшанжон Хўжаев, туман ИИБ ёнғиндан сақлаш бўлими бошлиғи, ички хизмат майори Абдубоқи Азизов, ИИБ тергов бўлими бошлиғи катта терговчиси Фарҳоджон Тошматовлар фаол иштирок этишарди.

Профилактик ишлар талаб даражасида олиб борилаётгани сабабли туманда содир этилаётган жиноятлар сони тобора камайиб бораёттир. Йил бошидан буён уларни фош этиш кўрсаткичи 98,5 фоизни ташкил этгани фикримизнинг далилидир.

Биз туман ИИБ шахсий таркибининг иш фаолиятини кузатиб, ходимларнинг касб тайёрлиги аъло даражада эканлигига амин бўлдик.

**Т. МИРЗАРАҲМАТОВ,**  
истеъфодаги милиция подполковниги.

## ПРОФИЛАКТИК ИШЛАР САМАРАСИ

**ФАРҶОНА ВИЛОЯТИ УЧКЎПРИК ТУМАНИ ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМИДА БЎЛИБ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ, АЙНИ КУНЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН “ҚОРАДОР — 2003” ТАДБИРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ, КАМ БЎЛСА-ДА, ЮЗ БЕРАЁТГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЧИЛИШИ БИЛАН ҚИЗИҚДИК.**

— Биринчи навбатда профилактик ишларни кучайтирганмиз, — дейди ИИБ ҲООБ бошлиғи, милиция майори Орифжон Тулаев. — Туманимиздаги маҳаллаларда ўттизга яқин профилактика ва бешта вояга етмаганлар билан ишловчи инспекторлар маҳалла оқсоқоллари, посбонлар ҳамда фаоллар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Бу эса ўз навбатида туманда ҳуқуқбузарликларнинг камайиши, юз берганларини эса қисқа муддатда очилишига имкон бермоқда.

— Ишдаги муваффақиятларимиз аҳоли билан ўтказилаётган учрашувларга ҳам

боғлиқ, — дея суҳбатни давом эттирди туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Рустамжон Юсупов. — Аҳоли асосан деҳқончилик, ғаллачилик билан шугулланади. Лекин ҳалол меҳнат қилиш ўрнига қинғир йўл билан бойлик орттиришга интилувчилар ҳам топилади. Бу йилги “Қоралори — 2003” тадбирида ана шундай ҳолатлардан кўпини фош этиб, айбдорлар қонуний жазога тортидилар. Масалан, Турвоқ қишлоғида яшовчи, етмиш ёшни қоралаётган Асқар ота томорқасида 54 туп кўкнор етиштираётган экан. Суриштирувда отахон кўкнорни

**Кўргонтепа шаҳридаги С.Раҳимов номли маҳаллада “Обод маҳалла йили” дастури бўйича ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раҳимберди Раҳмонбердиевнинг ташкилотчилиги кўплаб тадбирларни ўтказишда асқотаяпти.**

## ОДАМЛАР ОРАСИДА

— Раҳимберди ака билан ҳамкорликда ишлаш ниҳоятда мароқлидир, — дейди милиция таянч пункти вояга етмаганлар билан ишлаш гуруҳи инспектори, милиция катта лейтенанти Абдуқаҳҳор Иминоҳонов. — Негаки, у маҳалладаги мавжуд 114 та хонадонда яшовчиларни беш кўлдай билади. Барча билан самимий муносабатда бўлади.

Ўзаро ҳамжиҳатликда иш юритилиши натижасида маҳалла тинчлиги ва осойишталиги таъминланмоқда.

**Б. КЛЕЙМАН.**

# UCHINCHI

« Postma »  
gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR,  
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

TV  OLAM

## Гаройибот

**Полициячилар ҳам худди учувчиларга ўхшаб ўта кузатувчан бўлишади. Уларнинг кузатишлари ўзининг аниқлиги, ахборотга бойлиги, ортиқча эҳтирослардан холилиги билан ажралиб туради.**

**Бу фикрни полиция ходимлари НУЖларни кўрганлари борасида ҳам татиқ этиш мумкин.**

# НУЖ



## БРИТАНИЯЛИК ПОЛИЦИЯЧИЛАР НИГОҲИДА

Британия йўл полиция ходими, 43 ёшли Гэри Хезелтайн ўспиринлигидан уфология илмига ишқибоз. Ушанда Гэри туғилиб ўсган Скантроп шаҳри яқинида узун, оппоқ НУЖ пайдо бўлиб, электр кувват узатишда узиллишлар бўлганди. Вақт ўтган сайин Гэрининг бу ҳодисага қизиқиши ортиб борди. 2000 йил бошида у ўзининг "НУЖлар ҳақида полиция маълумотлари" ташкилотига асос солди. Ташкилотнинг асосий вазифаси — британиялик полициячиларнинг НУЖга дуч келганликлари ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил этишдир. Ҳозиргача 100 дан зиёд ана шундай ахборот тўпланди.

Инглиз тилида чиқадиган уфологик журналнинг 2002 йил 9-сониди Гэри Хезелтайн "Полиция ходимлари НУЖларни кузатишда" номли мақола чоп эттирди. Мақола ёзилиши услубига кўра кўпроқ расмий ҳисоботга ўхшаб кетарди. Унда полиция ходимлари осмонда ва ерда кузатган қирқдан ортиқ сирли ҳодисалар деярли шарҳсиз баён этилган.

Куйида улардан энг диққатга моликларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

### 1955 йил, САССЕКС ГРАФЛИГИ

Ёз оқшомида посбон полисмен Жон Л.Кларк хизмат пайтида осмонда анча баландда қирғоқ бўйлаб ёрқин, думалоқ жисм учиб юрганни кўрган. Жисм тахминан тўлин ой катталигида бўлган. Ярқирок гилдирак (ёки шар) фарб уфқидан учиб чиққан, орадан ўн дақиқалар ўтиб фарб уфқидида гойиб бўлган. Унинг парвози пайти полисмен ҳеч қанақа овоз, шовқин эшитмаган.

### 1963 йил, УИЛТШИР ГРАФЛИГИ, ЧАРЛТОН, ШАФТЕБЕРИ ШАҲРИ ЯҚИНИ

Июль ойида посбон полициячи хизмат пайтида оловранг НУЖ устидан учиб ўтиб, картошка экилган дала тепасида кўздан гойиб бўлганини кузатган. Орадан бир неча кун ўтиб, шу далада диаметри 2,5 метр келадиган, босилган



жой топилган. Унинг ўртасидаги диаметри 13 см келадиган жой эса бир метр чуқурликда ўйилган. Воқеа жойига портламай қолган ўқ-дориларни зарарсизлантириш билан шуғулланувчи бўлинма ҳарбийлари етиб келишади. Аммо улар сирли излар қандай пайдо бўлганини тушунтириб бера олишмаган. Консерватив партиядан сайланган депутат Патрик Уоллинг сўровига кўра бу масала мамлакат парламентида муҳокама қилинди.

### 1965 йил, БЕРШКИР ГРАФЛИГИ, ЧАЙНЕХАМ, БЕЙЗИНГСТОК ШАҲРИ ЯҚИНИ

16 декабрь соат 19.45да посбон Жорж Харвуд навбатчилик пайтида уйлاردан бири олдида тўхтаб, хонадон эгаси, 67 ёшли Бейзил Гоббонс билан гаплашиб қолди. Кўп ўтмай ҳамсухбатлар осмонда итбаликсимон жисмни кўриб қолишди. "Итбалиқ"нинг узунлиги икки метрлар чамаси эди. Шундан учдан икки ёки тўртдан уч ҳиссаси думга тўғри келарди. Жисм жанубдан шимолга жуда катта тезликда учиб, санокли сонияларда кўздан гойиб бўлди.

### 1966 йил, ЧЕШИР ГРАФЛИГИ, УИЛМСЛОУ (МАНЧЕСТЕР ШАҲРИ АТРОФИ)

Март кунларидан бири эрта-лабки соат 04.10 лар. Полисмен Колин Перкс патруллик қилаётган Олдерлей Роуд кўчаси бўйлаб кетаётганда осмонда йирик жисмни

кўриб қолди. Номасълум жисм ердан 11-12 метрлар баландда секин учган, Перксдан 90 метрлар узунликда бўлган. У 10 метрлар узунликда бўлиб, ўзидан яшил нур таратган. Шакли икки қаватли шаҳар автобусига ўхшаган. Перкс НУЖни беш дақиқалар кузатиб турган. Жисм ўзидан хуштаксимон товуш чиқарган, кейин тўсатдан гойиб бўлган.

Полиция бошқармаси Перкснинг билдиргисини Мудофаа вазирлигига жўнатган. Ҳарбий идорадан келган вакиллар узоқ пайт полисмен билан юзма-юз гаплашишди.

### 1967 йил, ДЕВОНШИР ГРАФЛИГИ, А - 3072 ШОССЕСИНИНГ ХОЛСОРС ВА ОУКХЕМПТОН ОРАЛИГИДАГИ ҚИСМИ.

Октябрь ойи ўрталарида тунги навбатчилик чоғида полициячилар Клиффорд Уэйкотт ва Рожер Уиллер соат 04.00ларда патруль машинасида шоссе

бўйлаб кетишадиган эди. Улар осмонда хоч шаклидаги жисмни кўриб қолишди. У ўзидан нур таратиб, дарахтлардан сал тепароқда шовқинсиз учиб борарди. Полициячилар НУЖга етиб олишга ҳаракат қилишди. Аммо у орадаги масофа 350 метрлар қолиши билан тўсатдан кескин тезлигини оширар, кейин яна секинлашар, гўёки полициячилар билан мушуксичқон ўйнаётганга ўхшарди.

Нихоят жисм тезлигини соати-га 80 километргача пасайтирди. Салдан кейин эса осмонда муаллақ тўхтаб қолди. Уэйкотт ва Уиллер таъқибни бас қилишди. Улар йўл ёқасида уй эгасини уйғотиб, осмонда нимани кўраётганини сўрашди. Аввалига бемаҳал уйғо-

НУЖ муаллақ турганлигини кўрди. Полисмен бу ҳақда идорасига хабар бериш учун микрофонни қўлига олди. Қараса, рақия ҳам, шахсий телефони ҳам ишламаяпти. НУЖ бу вақт орасида яна пича ўнроққа сурилди. Жим машинасини тўғри НУЖга қараб ҳайдади ва... кейинчалик таъқидлашича, негадир олдинги фараларини икки марта ўчириб ёқди. НУЖ гўё бу сигналга жавобан кескин кўзгалиб кўздан гойиб бўлди. Шундан сўнг радиотелефон алоқаси тикланди, ретранслятор тизимидаги носозликлар ҳам бартараф бўлди.

### 1980 йил, УЭСТ-ЙОРКШИР ГРАФЛИГИ, ТОДМОРДЕН ШАҲРИ ЯҚИНИДАГИ ҚИШЛОҚ

Бу 29 ноябрь куни эрта тонгда соат 05.10 - 05.50 оралиғида содир бўлди. Полициячи Алон Годфри патруль машинасида шоссе бўйлаб кетаётган сирлар подаси устида учиб юрган галати жисмни кўриб қолади. У подага яқинроқ бориш учун машинасини четга бурди. Аммо шу дақиқадан бошлаб ярим соатдан зиёдроқ вақт

тишганига норози бўлган фермер чироқларини милтиллатиб турган "ҳоч"ни кўриб уйқуси ўчиб кетди. У ҳам полициячилар кўрган аломатларни тасдиқлади.

Шу пайт осмонда яна бир "ҳоч" пайдо бўлди. Полициячилар энди кўрганлари галлюцинация эмаслигига ишонч ҳосил қилишди. Ўзларининг кузатувлари ҳақида ўша яқиндаги ҳарбий ҳаво кучлари базасига хабар беришди. Аммо у ердагилар бўлиб ўтган ҳодисани ҳеч қандай изоҳлашмади.

48 соат давомда графлик полицияга маҳаллий аҳолидан хочсимон, ярқирок НУЖни кўришгани ҳақида кўплаб хабарлар олинди. Дербшир графлигининг Глоссоп шаҳрида эса шу куни "олов хоч"ни постда турган олти нафар полициячи кузатган.

### 1975 йил, ГЛОСТЕРШИР ГРАФЛИГИ, ИВШЕМ ШАҲРИ ЯҚИНИДАГИ КЛИВВ ХОЛЛ ТЕПАЛИГИ

Ёз оқшомида бирида ярим кечага яқин С. Жим топшириқ олди. Унда Клив Холл тепалиги устида жойлашган полиция алоқа тизими ретранслятори яқинида номасълум ёруғлик манбаи пайдо бўлгани, у алоқа тизимида узиллишлар юз беришига олиб келгани айтилган эди. Жим буни текшириб кўриш учун ретранслятор ёнига келганда, радиоминора устида, сал ўнроқда улкан

ичида бошидан нималар кечганини аввалига эслолмади. Фақат кейинроқ гипноз ёрдамида баъзи тафсилотларгина едиға тушди.

Йилловга етиб келгач, полициячи машинасида тушган. Дала тепасида муаллақ турган жисмни томоша қила бошлаган. Шу пайт НУЖдан ёрқин, оппоқ нур чиққан. Алон кўзни қамаштирувчи ёруғликдан қочиб машинасига кирмоқчи бўлган. Аммо ўзини ёруғ, кенг хонадаги стол устида ётган ҳолда кўрган. Атрофида одамсимон мавжудотлар юришган. Унинг тепасига баланд бўйли гуманоид келиб фикр узатиш (телепатия) йўли билан қандайдир хабар етказган. Аммо ахборот мазмунини полициячи эслай олмайди. Кейинги дақиқада ўзини машинасини ҳайдаб кетаётган ҳолда кўрган.

Унинг НУЖ ҳақидаги кўрсатмаларини Галифакс шаҳрилик Ховард Торнпенни ва Жон Портер исмли полициячилар тасдиқлашиб, Тодмордена шаҳри томон учиб кетаётган номасълум жисмларни кўришганини айтишган. Кейинроқ бунга гувоҳ бўлган маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам топилди.

### 1983 йил, НОРТ-ЙОРКШИР ГРАФЛИГИ, БОЛТОН АББИ ВА АДДИНГЕМОН ОРАСИДАГИ ШОССЕ

7 ноябрь куни кечги соат 19.55 да сержант Энтони Додд ва унинг хотини Паулина машиналарида уйлари томон кетишарди. Қайсидир дақиқада ўнг томонда осмонда улкан гилдираксимон шар пайдо бўлиб, йўлга яқинлаша бошлади. Энтонининг фикрича, учар жисм машинасида тўрт баробарлар катта эди. Сержант машинасини тўхтатиб, НУЖни бир неча бор суратга туширишга муваффақ бўлди. Бу суратларни "НУЖни ердан кузатувчилар" ташкилотининг мутахассислари текшириб кўриб, ҳақиқийлигини тасдиқлашди. Тадқиқотлар НУЖ деярли шар шаклида бўлиб, диаметри тахминан 10 метрлар келишини кўрсатди.

Хорнж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.



Ўтмишга бир назар

# БАШОРАТНИНГ СИРЛИ ОЛАМИ

**1788 йилнинг ёзи. Франция. Киборларнинг одатдаги зиёфатларидан бири. Оксуяклар ҳамма гаплари тугаб, зерикиб туришган пайт. Меҳмонлардан бири кекса шоир Жак Казоттга мурожаат қилиб: “Назм аҳлида озгина башоратчилик хусусияти ҳам бўлади. Бизнинг тақдиримизни олдиндан айтиб берсангиз-чи?” – деди. Шоир ҳеч иккиланиб ўтирмасдан ҳар бир ҳамсухбатининг келажагини батафсил башорат қилди.**

Кўпчилик унинг устидан кулишди, гапларига эътибор беришмади. Аммо орадан бир йил ўтиб, Буюк Француз инқилоби юз бергач, шоирнинг башоратлари бирин-кетин амалга оша бошлади. Биз бу ҳақда ҳеч нарса билмаслигимиз ҳам мумкин эди. Чунки ўша зиёфат иштирокчиларининг аксарияти бирин-кетин турли сабабларга кўра оламдан ўтишди. Аммо ҳамсухбатлар орасида шоирнинг рақиби Жан Лагарн ҳам бор эди. У шоирнинг гапларидан, айниқса “сиз роҳибликни қабул қилиб, узлатга чекинасиз” дегани устидан роса кулганди.

Ҳақиқатан ҳам орадан бир неча йил ўтиб Жан Лагарн айнан роҳибликни қабул қилиб, руҳий ором топди. У роҳибхонада ўзининг эски кундаликларидаги қайдлар асосида юқоридаги воқеалар ҳақида ёзиб қолдирди. Шоир яна куйидагиларни башорат қилган эди.

У вазир Гийоа де Малербга “Сиз бекорга ақл-заковат галабасигача яшай олмаймиз, деб афсус чекапсиз. Ўша тарихий кунларни кўриш сизга насиб этади,” – деди. Ростдан ҳам тез орада юз берган Буюк Француз инқилоби ақл-заковат тантанасини расман эълон қилди.

Маркиз де Кондорсе ўзи жаллодни алдаб захар ичиб ўлиши ҳақидаги башоратга ишонмаганди. Ўша пайтда Франциянинг энг нуфузли

одамларидан бири гильотина (жоду)дан қочиб, шундай ўлим топишига ишониш қийин эди. Аммо шафқатсиз инқилоб даврида айнан шундай бўлди.

Фалакшунос Бейлга оломон оёғи остида қолиб ўлиши айтилганди. Ҳақиқатан инқилобий ғалаён пайти оч-яланғоч халойиқ уни тилка-пора қилиб ташлади. Ўша пайтда шоирга нима бунчалик руҳий қувват берганини айтиш қийин. Аммо бир нарса аниқ – Жак Казотт шундан сўнг шоирлигидан ҳам башоратчилиги билан кўпроқ танилиб кетди.

Куйидаги воқеа эса Францияда бошланиб, Россияда якун топди. 1815 йилда рус армияси Наполеонни тор-мор келтириб, Парижга кирди. Россиялик офицерлар француз тилини жуда яхши билишгани учун парижликлар билан тез орада чиқишиб кетишди. Шунинг учунми, бир француз аёли рус офицерларига бепул фол очиб кўйишини айтди. Кўпчилик бу имкониятдан фойдаланиб қолишга шошилди.

Фолбин мурожаат қилганларнинг деярли ҳаммасига бир-бирига ўхшаш башоратларни такрорлади: мартабанг улуг бўлади, иззат-икром билан истеъфога чиқасан, увалижували бўласан. Фақат бир ёш офицерга жимгина текилиб турди, сўнг аста: “Ун йилдан сўнг ўласан”, – деди. Офицернинг ранги бўздек оқариб кетди. Аммо ўзини қўлга олиб қайси жангда қандай вазият-

да ҳалок бўлишини сўради. Фолбин яна бир оз сукут сақлагач, мамлакат пойтахтида дорга осилишини айтди. Ёш офицер бу гапни эшитиб кулиб юборди, ўртоқларига “Фолбиннинг гапига ишонманлар. У алдаяпти”, – деди. Башоратчи эса ҳойнахой русларни инглизлар билан янглиштираётганлиги, Россияда анча илгари ўлим жазоси бекор бўлганлигини айтди.

Бу офицернинг исм-шарифи Сергей Муравьев – Апостол эди. Ҳақиқатан ҳам орадан ўн йил ўтиб, у декабристларнинг бири сифатида подшоҳнинг буйруғига кўра Петропавловск қалъасида осиб ўлдирилди.

Англияда қирол Генрих VII нинг кўрсатмасига мувофиқ сарой башоратчиларидан



Сергей Муравьев – Апостол

бири – ақли заиф, саводсиз ўсмир Роберт Никсоннинг барча башоратлари ёзиб бориларди. У яқин орада юз берадиган воқеаларни олдиндан, фақат рамзий шаклларда баён қиларди. Қиролнинг болага ихлос қўйишига куйидаги воқеа сабаб бўлганди. Генрих ҳали Ричард III устидан ғалаба қозониб тахтни эгаллашдан бир ярим йил олдин Роберт буни олдиндан айтиб берганди. Қирол Генрих бундан хабар топгач, болани саройга келтириб, унинг оғзидан чиққан ҳар бир гапни ёзиб олишга амр этди.

Тўғри, шундан кейин Р. Никсон бошқа тарихий башоратлар қилмади. Аммо унинг кундалик турмушга доир барча айтганлари рўёбга чиқди. Орадан бир йил ўтиб ақли заиф ўсмир очликдан ўлишини айтди. Ҳамма унинг устидан кулди. Ахир, тарихда ҳали сарой аҳлидан бирор киши очликдан ўлмаган эди-да! Аммо орадан бир йил ўтиб башорат тасдиқланди. Хизматкорлардан бири ичкарида Роберт борлигини билмасдан ертўлани кулфлаб қўяди. Орадан бир неча кун



ўтиб уни излаб қолишди. Топишганда эса шўрлик очликдан жон берган эди.

Яна бир машҳур киши ўз ўлимини олдиндан билганди. Режиссёр Андрей Тарковскийнинг “Сталкер” фильмининг кўрган бўлсангиз, унда шундай бир лавҳа бор. Камера кутилмаганда ҳавзани кўрсатади. Сув остида турли-туман майда-чуйда нарсалар ётгани кўзга ташланади. Улар орасидаги бир қоғозда рақамлар ёзилган... Тарковский оламдан ўтгач, ўша рақамлар кинорежиссёр вафот этадиган санани билдириши аён бўлди...

Император хоним Элизабет Австрийска Венгриянинг қиролчаси бўлган. У гўзаллиги, ўзига хос феъл-атворидан ташқари башоратчилик қобилияти билан ҳам машҳур эди. Масалан, Австрия тахт вориси Франц Фердинанднинг ўлими, биринчи жаҳон уруши бошланиши ва Австрия-Венгрия империясининг тугатилишини олдиндан айтиб берган эди.

1886 йилда Элизабетнинг яқин дўсти Людвиг Баварский руҳий касал деб эълон қилиниб, ҳокимиятдан четлаштирилди ва Старнберг кўли бўйидаги Берг қалъасига қамалиб, шифокор назоратига олинди. Тез орада қиролча хоним уни туш кўрди. Сирдош дугонасига бу ҳақда шундай ҳикоя қилган эди: “Ойдин тун. Людвиг кийимлари шалаббо ҳолда кўл ичидан чиқди. Менинг ёнимга келди. Унинг ҳамма ёғидан сув оқарди. Ҳатто каравотим ёнида, полда кўлмакча ҳам ҳосил бўлди... “Сен ўлдингми?” – деб сўрадим. “Ҳа, кўлга чўкиб кетдим. Мени чўктиришди...” – деди у”.

Маълумки, Бавария қироли Людвигнинг жасади Старнберг кўли тубидан топилган. У ўз шифокори билан кўл бўйини сайр этиб юрган пайти сирли равишда гойиб бўлади.

Элизабет хоним нафақат машҳур ходисалар, балки бахтли воқеаларни ҳам олдиндан кўра олган. Унинг энг хаёлий орзулари ҳам рўёбга чиққан.

22 ёшли Австрия императори Франц Иосиф Элизабет яшайдиган Поссенхофен қасрига унинг опаси Хеленанинг кўлини сўрагани йўл олади. Элизабет унаштирув маросимидан бир кун олдин ўз кундалигида “Император хоним бўлишни истайман”, – деб ёзиб қўйган эди. Эртасига кутилмаганда Франц Иосиф Элизабетнинг кўлини сўради...

Турнирнинг очилиш маросимида вилоят ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари, милиция полковниги Одилжон Ғофуров сўз олиб, Комилжон Ғофуровнинг ҳаёти ва хизмат фаолияти тўғрисида гапирди ҳамда мусобақада иштирок этаётган жамоаларга омад тилади. Баҳсларда Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари, Транспорт ички ишлар бошқармалари вакиллари қатнашмоқдалар.

Дастлабки беллашувларда Транспорт ИИҒ жамоаси андижонликлар устидан 5:2 ҳисобда ғалаба қозонган бўлса, Фарғона ва Наманган вилоятлари ИИБ вакиллари ўртасидаги учрашув 2:1 ҳисобда яқунланди.

Мусобақалар давом этмоқда.

Б. ОМОНЗОДА.

Ўтган йили Жанубий Корея ва Японияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Бразилия терма жамоаси билан бир гуруҳдан жой олган Туркия дунёнинг энг кучли жамоасига муносиб қаршилик кўрсатганда айримлар буни тасодифга йўйишган эди. Чемпионат давомидаги иккинчи учрашувда ҳам турклар бразилияликларга осонликча мағлуб бўлгани йўқ. Хатто Туркия жаҳон чемпионатида эришган учинчи ўрин, терма жамоанинг нималарга қодирлигини кўрсатди. Қолаверса, яқинда Франция майдонларида бўлган Конфедерациялар кубогида терма жамоа яна бир бор Бразилия футболчилари билан куч сынашди. Бу гал турклар беш карра жаҳон чемпионларини гуруҳ баҳсларидан уйга қайтиб кетишга мажбур қилдилар. Бундан ташқари, Францияга қарши кечган ўйинда ҳам ташаббус туркияликлар томонида бўлди. Фақат бироз омад етишмади, холос.

Хўш, терма жамоанинг бу ютуқлари кимга боғлиқ? Албатта, бош мураббий ва иқтидорли ўйинчиларга!


Туркларнинг охириги йиллардаги энг машҳур ўйинчиси Ҳокон Шукур эди. Бироқ, бироз кексайиб қолган бу ҳужумчидан энди илгариги натижаларни кутиш унчалик ҳам мантқиққа тўғри келмайди. Лекин Туркия футбол бундан заифлашиб қолгани йўқ. Аксинча, бирининг ўрнига бешолтита иқтидорли футболчилар жамоага жалб этилмоқда. Туркия терма жамоаси бош мураббийси Шенол Гунеш Конфедерациялар кубоги мусобақаларига терма жамоа сафида бир неча ёш иқтидорларни олиб келиб, чет эллик селекционерларга кўз-кўз қилиб кетди.

Шундай қилиб, бугун терма жамоа ҳужум чизигини кучайтирадиган қатор ёш футболчилар

## НИХАТ ҚАҲВАЧИ –

Ўтган асрнинг Европадаги ўрта миёна терма жамоаларидан бири ҳисобланган Туркия ХХI асрга футболни энг тараққий этган мамлакатлардан бири бўлиб кирди. Бунгача туркияликлар футбол оламида ҳеч қандай юксак натижаларга эришолмаганди.


Сўнгги йилларда Еврокубокларда Туркия шарафини ҳимоя қилаётган "Галатасарой" "кўҳна қитъа"нинг энг кучли жамоалари билан тенгма-тенг курашмоқда. Айниқса, миллий терма жамоанинг ўйини туркияликларни жуда хушнуд этаяпти. Тўғриси айтганда, Туркия терма жамоасини ҳатто 1996 йили ўтказилган Европа чемпионатида ҳам ҳеч ким жиддий рақиб сифатида тан олмаганди. Ўтган йилдан буён турк футболининг ёруғ кунлари бошланди.



## ТУРКИЯНИНГ ЯНГИ ЮЛДУЗИ

етишиб чиқмоқда. Ана шундай ёш юлдузлардан бири бу мавсум Испания премьерасида тўпурарлар баҳсини иккинчи қаторда яқунлаган "Реал Сосьедад" ҳужумчиси Нихат Қаҳвачидир.

Нихат 1979 йилнинг 23 ноябрида Туркиянинг Истанбул шаҳрида туғилди. Профессional футболдаги фаолиятини 1997 йилда Туркиянинг "Бешиктош" жамоасида бошлаган. У ушбу жамоа таркибида 2001 йилгача тўп сурди. 2001 йилда эса ёш ҳужумчи "Реал Со-




сьедад" жамоасига кўшилди. Туркия терма жамоаси таркибидаги биринчи учрашувини 2000 йил 7 октябрда Швецияга қарши ўтказган. Шу кунгача эришган энг катта ютуғи жаҳон чемпионатида бронза медалини қўлга киритганидир.

Аслида Нихат болалигидан "Бешиктош" жамоасида тўп суришни орзу қиларди. 18 ёшга тўлганида бу истаги амалга ошди. Жамоа бош мураббийси илк мавсумда Нихатни 11 учрашувда майдонга туширди. Нихат эса рақиблар дарвозасини икки марта аниқ нишонга олди. У жамоанинг асосий таркибидан муқим жой олиши учун бир йил кифоя қилди. Ёш футбол-

чи кейинги мавсумда асосий таркибда ўйнай бошлади. Етишиб келаётган юлдуз "Бешиктош" таркибида 2001-2002 йилги мавсумни охирига етказмади. Ўн уч учрашувда олтига гол урган Нихатни "Реал Сосьедад" 5 миллион евро эвазига сотиб олди.

Нихат мазкур жамоага ўтганида "Реал Сосьедад" мавсумда жуда бўш ўйин кўрсатарди. Балки шунинг учундир Нихат ҳам ўн бир учрашувда рақиб дарвозасини атиги бир марта ишғол қилди. Кейин жамоа раҳбарияти Рональд Дэнүксни бош мураббий этиб тайинлади, жамоа таниқли ўйинчилар эвазига анча кучайтирилди.

Ўтган мавсумда премьерарада зўрға жон сақлаб қолган "Реал Сосьедад" бу йилги чемпионатда фақат чемпионлик учун курашди. Айниқса, бу жамоанинг Дарко Ковачевич ва Нихатдан иборат ҳужум чизиги деярли барча жамоа ҳимоячиларини шошириб қўйди. Мана шу икки ҳужумчи жамоа ҳисобида 71 голдан 43 тасини ўз ҳисобларига ёздириб қўйишган. Яқиндагина яқунланган чемпионатда Нихат 23 та, Ковачевич 20 та гол урди.



Нихат бу мавсумда тўпурарлар баҳсида ўзини кўрсатишдан ташқари, мамлакат чемпиони бўлиши ҳам мумкин эди. Чемпионатнинг асосий қисмида мусобақа жадвалининг энг юқори поғонасини эгаллаб турган "Реал Сосьедад" 37-турда "Сельта"га имкониятни бой бериб қўйди. Натижада охириги учрашув олдидан Мадриднинг "Реал" жамоаси биринчи ўринга кўтарилиб олди.

Лекин нима бўлганда ҳам мавсум Нихат жамоадошлари учун муваффақиятли яқунланди. "Реал Сосьедад" чемпионлар лигасида тўп сурадиган бўлди. Сан-себастьянликларнинг бу ютуғига Нихат ва Ковачевичдан ташқари, Валерий Карпин, Франсиско де Педро, Аугустин Арансабал, Сандер Вестервелд каби футболчилар улкан ҳисса қўшишди.

Ўтган йилги жаҳон чемпионатидан кейин ўйини анча кучайган Нихатга трансфер бозорига ҳам қизиқиш анча катта. Айрим маълумотларга қараганда, айниқса, "Манчестер Юнайтед" раҳбарияти Нихатни ўз таркибида кўришни хошлаётган экан. Бундан ташқари, Испаниянинг "Барселона" ва "Атлетико" жамоалари ҳам Нихатни сотиб олиш ниятида экан. Мутахассислар Нихат сотилиши мумкин бўлган нархни ҳам дарров ҳисоб-китоб қилиб чиқишди. Айтишларича, Нихат сотиладиган бўлса, унинг нархи 12-17 миллион АҚШ доллари миқдорига белгиланиши мумкин.

Шунингдек, Нихатнинг терма жамоадаги иштироки ҳам кўнгулдагидек. Туркия терма жамоаси келаси йили Португалияда бўладиган Европа чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини берадиган йўлланма учун ўзи жой олган саралаш гуруҳида асосий даъвогарлардан бири ҳисобланади. Нихат эса ана шу терма жамоанинг асосий ҳужумчиларидан.

Боҳир БЕК.

Маънавият

# МЕҲРНИНГ ОРТИҚЧАСИ БЎЛАДИМИ?

**Аммо ҳаёт ўзи, биламан, Солар сени ёрдамга бот-бот. Яъни, бошимизни доим ҳам Она бўлиб силамас ҳаёт.**

Абдулла ОРИПОВ.

Кутилмаганда Павел Гришенко-ни муассаса бошлигининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари қақриб қолди.

– Ўқишларинг қалай, Паша? – сўради у ўсмирнинг елкасидан ушлаб.

– Ёмон эмас. 4-5 баҳога ўқияман.

– Ҳа, тузук-тузук. Ишларинг-чи?

– Яхши, сувоқчилик, бўёқчиликни ўргандим. Энди чилангарликни ҳам ўрганмоқчиман.

– Баракалла. Хунарли одам ҳаётда кам бўлмайди, – бошлиқ ўринбосари жиндак сукут сақлади-да, сўради. – Уйдан хат-хабар олиб турибсанми?

– Анча бўлди, онам “мазам йўқ”, деб ёзган эдилар.

– Ёшинг мана 18 га тўлапти. Саводлисан, касб-хунарлисан. Энди сен онангиз ҳам қийналиб қолмайсан...

Павел аввалига бу гапнинг маъносига тушунмади. Кейин кўлоқлари бўшашиб кетди. Ўқириб юбормоқчи эди – бошлиқ ўринбосари уни бағрига босди:

– Узингни тут, болам. Ҳаёт шунақа шафқатсиз. Ўлим ҳақ.

Павел бошини унинг кўксига босиб ўқиб-ўқиб йиғлади.

– Майли, йиғла, ўғлим. Енгил тортасан. Йиғла, болам, йиғла. Ҳаётда ҳеч ким оначалик инсонга меҳрибон бўлмайди. Ҳар қанча кўз ёши тўксанг арзийди...

... Павел эсини танибдики, онасининг чексиз меҳрини туйиб келди. Она айниқса, яккаю-ягона ўғлининг “ёмон болалар”га қўшилиб кетишидан чўчиб, иложи бўлса кўчага чиқармасди. Бунга сари Павелнинг кўчага, “ёмон болалар”га қизиқиши ортар, вақт-вақти билан – мактабдан қайтишда ёки онасининг кўзини шамғалат қилиб уларга қўшилиб турар-

ди. Бировларнинг боғига ўғирликка тушишарди. Баъзан кўчадаги телефон аппаратларини олиб қочишарди. Бир гал Маруся холанинг товугини ўғирлашди.

Бир куни ўртоқларидан бирининг туғилган кунини нишонлашди. Паша ҳам онасидан руҳсат олиб, борди. Ярим кечагача ўйинкулгу қилиб, ичиб ўтиришди. Бор пуллари сарфлашди.

– Таклиф бор, – деди ораларидан каттароги тили зўрга айланиб. – Ўғирликка тушамиз.

– Кетдик, кетдик, – жўр бўлишди бошқалар. Павелнинг ҳам қатордан қолгиси келмади. Тунги соат учларда пастқамгина тахта девор билан ўралган бир ҳовлига киришди. Эгалари йўқлигига ишонишгач очик қолган деразадан хона ичига киришди. Ҳамма ёқни титиб жами 140.000 сўмдан зиёдроқ пул топишди. Ўша пайтда завқларининг чеки йўқ эди...

Эртасига милиция ходимлари суриштириб келишганида Павел аввалига тонди, онасини хафа қилиб қўйишдан кўрқди. Аммо терговчи эксперт текширувидан сўнг унга тегишли бармоқ излари воқеа жойидан топилганини айтгач, шериклари ҳам Павелнинг ўғирликда иштирок этганини тасдиқлашгач бош эгиб жим қолди. Ўшанда ҳам шу тарбия муассасасига тушган эди. 2001 йил 8 сентябрда амнистияга мувофиқ озодликка чиқди. Бошқа бундай номаълумлик қилмаётган деб ўзига, онасига сўз берди.

Лекин ғам-ташвиш ўз ишини қилиб бўлганди. Онаси дардга чалинган, отаси ҳам оиласи бошига тушган кўргуликларни



Суратни А. БЕРДИЕВ ЧИЗГАН.

беш минг сўмгина маош олгани уни қониқтирмади.

Шундай кунларнинг биринида яна эски ошналари келиб қолишди.

– Мол бор, Тошкентга олиб бориб сотиш керак. Ёрдамлашсанг, сенга ҳам чой пули бўлади, – дейишди.

Ўғирлик моллар эканини кўнгли сезса ҳам кўнди. Эртасига пойтахтнинг илгариги “Отчопар” бозорига қўлга тушди.

Бу гал онаси судга ҳам бора олмади. Павел бир ҳисобда бунга қувонди. Сабаби, қайси юз билан кўпчилик ичидан онасига қарай оларди. Тарбия колониясига етиб келиши билан уйига хат ёзди.

“Болам, яна аввалги муассасага тушганингни билиб хурсанд бўлдим, – деб ёзган эди она шўрлик жавоб хатида. – Тўрт йил ҳадемай ўтиб кетади. Балки, худонинг раҳми келиб илгарироқ чиқарсан. Фақат у кунларни кўриш

ўйлайвериш, соғлиги путур кетиб пенсияга чиққанди.

– Ўғлим, – деди онаси синиқ овозда, – отангнинг аҳволини кўриб турибсан. Мана, тўққизинчи синфни битирдинг. Ёшинг ҳам ўн олтидан ошди. Ўқингни кейин давом эттирарсан. Энди ишла бизларни боқ.

Павел Гулистондаги корхоналардан бирига токарга шогирд бўлиб ишга кирди. Эртадан кечгача тер тўкиб меҳнат қилишнинг ўзи бўлмас экан. Оғир ботди. Айниқса, бир ойлик меҳнат эвазига

Маънавий-сиёсий тайёргарлик машғулоти гуруҳлари раҳбарларига ёрдам

## ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ АСОСИ

Миллий истиқлол мафкураси миллатимизнинг асрий аънава ва урф-одатлари, ўзлигимизнинг асосий хусусиятларини мужассамлаштириб, жамиятимиз, мамлакатимиз ўз олдига қўйган эзгу муддао ва вазифаларни аниқ равшан акс эттирмоғи зарур. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг асарларида бу масалалар чуқур илмий асосда, атрофлича ёритилган.

Бизнинг бош стратегик мақсадимиз – бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишдир. Бу – халқимизнинг асрий аъёнанинг, динимизнинг инсонпарварлик моҳиятига, миллий қадриятларимизга содиқ қолган ҳолда, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлини изчил давом эттириш демакдир. Ушбу стратегик мақсадлар жамият ҳаётининг барча соҳаларига дахлдор бўлган бир қатор вазифаларни амалга оширишни тақозо этади.

Сиёсий соҳада жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, унинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш энг асосий йўналишдир. Бу аввало мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини

ошириш, унда миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган сиёсий маданиятни шакллантиришда кўзга ташланаяпти. Жамият ҳаётида ҳақиқий маънода кўппартиявийлик тамойили қарор топмоқда. Демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун янада кенгроқ шарт-шароит яратилаяпти.

Иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида эркинлаштириш жараёни изчиллик билан амалга ошириляпти. Ислохотларни янада чуқурлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш – бу соҳадаги ўзгаришларнинг асосий йўналишларидир. Иқтисодиётга хориж сармоясини кенг жалб этиш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароит, кафолат ва иқтисодий омилларни янада кучайтириш зарур. Мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодий тизимига кенг қўламда интеграциялашувини янада кучайтириш керак.

Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар амалга ошириляпти, бозор муносабатлари устувор бўлиб бораётган ҳозирги шароитда кучли ижтимоий сиёсат юритиш тараққиётимизнинг асо-

сий тамойилларидан бири бўлиб қолаверади.

Маънавий қадриятларимизни илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиб бориш, ўзлигимизни чуқурроқ англаш, миллий ғоя ва истиқлол мафкураси тамойилларини халқимизнинг қалби ва онгига сингдириш, динимиз ва тарихимизни сохталаштириш, улардан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик – маънавий бора-сидаги асосий вазифалардан ҳисобланади. Юртдошларимиз маънавий янгилашни ва ислохотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айланиб бораётганлари қувонарли ҳолдир. Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги – барчамиз учун муқаддас мақсадга айланишига эришиш зарур.

Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг қадриятлари, тили, маданияти, диний эътиқоди, урф-одат ва аъёнаниларини ҳурмат қилиш, уларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришга кўмаклашиш лозим. Бу “шу азиз Ватан – барчамизники” ғоясининг амалга ошишини таъминлаш демакдир.

**Республика ИИВ Ички қўшинлар Бош бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш бўлими.**

Маърифат дарси

**Тахририятимизга тушаётган таклифларга асосланб Ўзбекистон Республикаси ИИВ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати томонидан ички ишлар идоралари ходимлари учун йилнинг учинчи чорагида ўтказиладиган маърифат дарсига тавсия этилган мавзулар бўйича мақолалар ёритиб боришни лозим топдик. Ушбу мақолалар газетада эълон қилингандан кейинги ҳафтада ўтказиладиган машғулот учун мўлжалланганлигини эслатиб ўтамиз.**

## АБДУЛЛА АВЛОНИЙ — ХАЛҚИМИЗНИНГ АСЛ ФАРЗАНДИ

XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон заминидан янги давр шамоллини олқишлаган, миллий маданият, маънавий тараққиётга катта ҳисса қўшган атоқли кишилар яшаб, ижод қилдилар. Ана шундай халқимизнинг асл фарзандларидан бири Абдулла Авлонийдир. Бу йирик маърифатпарвар олимни XX аср бошлари ўзбек маданияти, адабиётининг асосчиларидан бири сифатида тилга оламиз.

12 июлда Абдулла Авлоний таваллудига 125 йил тўлади. У Тошкент шаҳрида хунармандлар оиласида туғилди. Болаликдан илм олишга астойдил интилди. Бошланғич мактабдан сўнг шаҳардаги йирик мадрасалардан бирида таҳсил олди. Мустақил ўқиб, буюк аилмалар меросини ўрганиши туфайли ўз билимини ошириб борди. Тинмай изланиш, янгиликка интилиш ва уни кўра билиш, даврнинг илгор кишисига айланганди.

Абдулла Авлоний ўша кезлари ўлкамизда авж олган жадидчилик ҳаракатининг фалоларидан бири эди. Миллат болаларини тўла саводхон қилиш, мактаб, мадрасалар фаолиятини янада яхшилаш, етук олим ва мутахассислар тайёрлаш ҳаракатга мақсад қилиб олинганди. Бу йўлда А. Авлоний фидойилик кўрсатди. У Ватанни озод кўриш, эл фаровон яшашига эришиш истагидаги кишиларнинг олдинги сафида бўлди.

А. Авлоний ўзбек миллий театри, драматургияси, матбуоти, миллий педагогикасига тамал тоши қўйган маърифатпарвар инсон сифатида танилди. 1913 йилда “Турон” номи билан аталган театр труппасини ташкил этди. “Пинак”, “Биз ва сиз”, “Адвокатлик осонми” номли пьесалар ёзиб, сахналаштирди.

У ўз уйида “Шухрат” номли газета нашр қилиб, маҳалласида янги усулдаги мактаб

очди. Жадид мактаблари учун дарсликлар ва китоблар тузди. Маҳаллий болаларнинг билим олишлари йўлида хизмат қиладиган, мактаб-маориф ишларига кўмаклашиш мақсадида хайрия жамғармаси ташкил қилди.

Матбаа ишларини ривожлантириш учун ҳам муносиб ҳисса қўшди. У тузган “Нашриёт” ширкатига кўплаб китоблар нашр этилиб, кенг оммага тарқатилди. “Мактаб кутубхонаси” номли китоб дўконидан айнан болаларга мўлжалланган ўзбек мумтоз шоирлари асарларининг сотуви йўлга қўйилди.

А. Авлоний даврнинг етук зиёлиси сифатида дипломатик ишларда ҳам иштирок этди. 1919-1920 йилларда Афғонистон элчихонасида бош консуллик вазифасида ишлади. Кейинчалик Туркистон ўлкасида илк бор очилган Ўрта Осиё Давлат университетида ўзбек тили ва адабиётдан сабоқ берди.

А. Авлонийнинг маърифатпарварлик йўлидаги хизматлари республикамиз мустақилликка эришгандан кейин кадр топди. Собиқ шўро сиёсати туфайли унинг ўзбек халқи, миллатининг маънавияти ва маданиятини юксалтириш борасидаги ҳаракатларига тортилган қора парда олиб ташланди.

Маърифатпарвар адиб, драматург, педагог, ношир, жамоат арбоби, халқимизнинг асл фарзанди Абдулла Авлоний билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Бобомурод ТОШЕВ.

## Хориж криминал хабарлари

## ЯНА ФОРМАДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР ҲАҚИДА

## ПОЛКОВНИК ЛИСАКОВ-НИНГ ДАЛА ҲОВЛИСИ

Дала ҳовли икки қаватли бинодан иборат бўлиб, унинг ярми Евгений Тараторинга тегишли. Ҳар қайсининг тўрт хонадан иборат ётоғи бор. Лисаков ертўласига спорт зали ва сауна жиҳозланган. Меҳмонхонасидаги телевизор 2,5 минг АҚШ доллари туради. Остонада бизни хизматкори қаршилади. Унга хўжайини ойига бир неча юз АҚШ доллари тўларкан.

– Нима, шунақа хонама-хона юраверасизларми? – деди у энсаси қотиб. – Ҳозирча мени бўшатишгани йўқ. Ерга тушган ҳар бир хас учун ҳам жавобгарман.

Ҳовлида иситиладиган ҳавза бор экан. Бинодан сал чеккада чоғроқина ҳаммом ва чиройли суҳбатгоҳ жойлашган эди. Орқа ҳовлида эса ҳақиқий теннис кортига кўзимиз тушди.

## ПОЛКОВНИК ТАРАТОРИН-НИНГ ДАЛА ҲОВЛИСИ

Дала ҳовлида Евгений Тараториннинг хотини Нина бор экан. У тезкор ходимлар ва терговчиларнинг ташрифини



Лисаков ва Тараторинларнинг дала ҳовлиси.

кутган шекилли, бизларни хотиржам қаршилади. Ортиқча гап-сўзсиз, жанжалсиз куруллар ва иконаларни кўрсатди.

Айниқса, ака-ука Деминларнинг дала ҳовлисида то-

пилган бир топилма тезкор ходимларни шошириб қўйди. Бу нарса ҳақиқий шухратпарастликнинг рамзи бўлган тилла суви югуртирилган тувак (унитаз) эди. Маълумотларга

## ФОРМАДАГИ ҚАРОҚЧИЛАРДАН ОЛИНГАН АЙРИМ АШЎВИЙ ДАЛИЛЛАР

2 килограммга яқин тилла тақинчоқлар, 5,6 мм калибрли 400 дона патрон (Самолкиннинг хонадонидан), 5 минг АҚШ доллари, умумий нархи 100 минг АҚШ долларига яқинлашадиган учта қўл соати (Евстигнеевнинг хонадонидан олинган), 500 минг АҚШ долларига яқин пул, тилла буюмлар (Ўрта Каретний кўчаси 4-уй 13-хонадондан) 22230 АҚШ доллари, 4735 евро (Тараториннинг кабинетидан), 60 минг АҚШ доллари, ишлов берилмаган олмослар (Ганеевнинг кабинетидан)...



ТУШИНО, МОСКВА

## МОСКВА: ТУШИНОДА ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТИ

Шу йил 5 июль куни Москвада террорчилик ҳаракати содир этилди. Шаҳарнинг Тушино қисмида, рок-фестиваль ўтаётган жойда "Қора бева" номини олган террорчи-аёллар ўзларини ўзлари портлатиб юборишди. Юз берган икки портлаш натижасида 18 киши ҳалок бўлди, 60 нафар киши турли даражадаги тан жароҳати олди.

Террорчи аёллардан бирининг шахси аниқланди. У чеченистонлик Зулихон Элихожиева бўлиб чиқди. Маълумотларга қараганда, унинг икки акаси ноқонуний курулли тузилмалар аъзоси бўлишган.

Россия Президенти Владимир Путин хавфсизлик кучларига мазкур жиноятга алоқадор шахсларни аниқлаш ва қўлга олиш борасида топшириқлар берди.



## ТОЗАЛАШ БОШЛАНДИ

Яқинда Москва жиноят қидирув хизматининг 700 нафар ходими штатдан чиқарилди. Қайта шаҳодатлашдан кейин уларнинг ҳаммаси ҳам ўз вазифасига қайта тайинланмаса керак.

Шаҳар ИИББ Ахборот ва жамоатчилик билан алоқа қилиш бошқармаси бошлиғи В. Грибакин:

– Бу тадбир ярим йил олдин режалаштирилган эди, махсус операция билан умуман боғлиқ эмас, – деди.

Инсоф билан айтганда, Москва милициясининг тезкор хизмат ходимлари шаҳарда содир этилаётган қотилликларнинг 70 фоизини номусга тегишлар, бошқинчилик ва бошқа оғир жиноятларнинг ярмини фош этишяпти. Москвани марказлашган жиноят қидирув хизматисиз тасаввур этиш қийин.

Аммо энг тажрибали изқуварлар ҳам, ҳали хом тезкор ходимлар ҳам бошқармада нималар бўлаётганини чекка-чеккада ўзаро муҳокама қили-

шяпти. Тўғри, қайта шаҳодатдан ўтказиш одатдаги тадбирлардан бири. Уни кўпинча номига, қоғозда, хўжақўрсинга ўтказишар, ходимларни ишдан қолдирмасликка ҳаракат қилишарди. Бу гал рисоладагидек ўтказишадиган бўлишса, ҳар қандай ходимдан ҳам камчилик топиш мумкин.

Аммо тезкор ходимлар ваҳимага тушишаётгани йўқ. Биринчидан, хизматдан бўшатиладиган бўлишса, ҳар қандай хусусий кўриқлаш хизматида улар ҳозиргидан кўпроқ маош олишади. Иккинчидан, бирданига шунча малакали ходимга муносиб ўринбосар топилармикан?

## «ҲАЁТИНГНИ СОТИБ ОЛ!»

Аркадий Гавриловнинг бизнеси яхшигина ривож топаётган эди. Ўтган йили 25 июль куни унга кимдир қўнғироқ қилиб: "Гапларимга яхшилаб қулоқ сол! Менга сени ўлдириш буюртма берилган. Аммо 10 минг АҚШ доллари тўласанг, сени ўлдирмайман", – деди. Ёлланма қотил Аркадийнинг бошқа саволларига жавоб бермасдан учрашув жойини тайинлаб, гўшакни қўйди.

Аркадий белгиланган жойга уюшган жиноятчиликка қарши кураш бошқармасининг икки нафар ходими ҳамроҳлигида келди. Ҳар эҳтимолга қарши теварак-атрофга фуқароча кийиниб олган махсус бўлинма йигитлари кўзқулоқ бўлиб туришди. Ёлланма қотил алдамади – келишилган вақтда келди. Унинг Аркадий билан суҳбати магнит тасмасига ёзиб олинди. Олдиндан белгиланган пуллари олиши видеотасвирга туширилди. Хуллас, киллер Ухов қўлга олинган, ортиқча тихирлик қилмасдан тезкор ходимлар билан ҳамкорликка рози бўлди. Овоз пасаитиргич ўрнатилган тўппончаси ва патронларни топширди.

Ҳақиқий буюртмачини қўлга олиш учун "Овчи" махфий тадбири режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра Ухов дастлаб асосий буюртмачидек кўринган шахсга – Гавриловнинг собиқ хотини Аннага воситачилар орқали иш бажарилганлигини айт-

ди. Шу куни туман ИИБ ходимлари ўрмондан Гавриловнинг қон излари қолган "Жип" машинасини топишди. Тўғри, мурда топилмади. Аммо ҳамма аломатлар қотиллар машина эгасини отиб, ўша атрофга кўмиб ташлашгандан далолат берарди.

Кейинги тезкор тадбирлар Гавриловга суиқасд тайёрланаётганидан туман ИИБ бошлиғи, В. Шустиковнинг хабари бўлганлигини кўрсатди.

Гаврилов билан Шустиков болалиқдан дўст эдилар. Аркадий ишбилармон бўлди. Шустиков эса милиция соҳасини танлади. У гарчи полковник, туман милицияси раҳбари даражасига етган бўлса ҳам Гавриловчалик бой-бадавлат эмасди.

Шунда дўсти ёрдам қўлини чўзди – йигирма минг АҚШ доллари қарз берди. Натижада Шустиков ширин орзуларидан бирига

етиб, хорижда ишлаб чиқарилган автомобиль сотиб олди. Аммо янги уй олишга пули етмади. Гаврилов бошқа қарз бермади, аксинча илгаригисини қайтариш лозимлигига шама қилди. Бу Шустиковга малол келди.

Худди шу кезлари Гаврилов хотини Анна билан ажрашди. Бунга умр йўлдошининг ичкиликка берилиб кет-

Воқеанинг қизиғи энди бошланди. Анна бу пулни... собиқ эридан олди. У Аркадийнинг олдида бориб "Кўкрагимда саратон беги бор экан. Операция йўли билан уни олиб ташлаш учун 5 минг АҚШ доллари керак. Кейин соғлиғимни тиклаш учун яна 2 минг АҚШ доллари зарур бўларкан", – деди йиғламсираб. Гаврилов раҳми келиб айтилган пулни берди. Анна шундан кейин ҳам эрининг олдида бир неча бор пул сўраб бориб, жами 18 минг АҚШ доллари олди. Қотилликка тайёргарлик бир ярим йил давом этди.

Балки ҳаммаси хамирдан қил суғургандек битарди. Фақат ёлланма қотилнинг очкўзлиги панд берди. Прокуратура жиноий гуруҳнинг Шустиковдан бошқа барча аъзоларига нисбатан жиноят иши кўзгади – милиция билан муносабатни бузишни истамади. Айбланувчиларга Шустиковга қарши кўрсатма бермаслик лозимлиги тайинланди.

Аммо суд жараёнида айбланувчилар худди келишиб олгандек милиция бошлиғи ҳам режалаштирилган суиқасдга алоқадор эканлигини айтишди. Суд тугаб, ҳукм қонуний кучга киргач, жиноий гуруҳ аъзоларининг ҳақиқий исм-шарифларини ёзиш имкони бўлади.

гани сабаб бўлди. Шунинг учун Аркадий ўглини ҳам ўзи билан олиб қолди. Шустиков 2001 йилнинг январидан Аннани кўргани келгандай бўлиб, унга эрини тинчатишни таклиф этди. "Шунда мерос вояга етмаган ўғлингга, демаски сенга қолади. Ташкилий томонини менга қўйиб бер. Фақат бунинг эвазига мероснинг ярми менга тегади", – деди. Анна овоз чиқариб ҳеч нима демади, аммо розилигини билдириб бош қилди. Шундан сўнг "иш" қизиб кетди.

Туман милицияси бошлиғи бўлажак қурбонининг барча телефонларини эшитишни ташкил этди. Бошқа воситачилар орқали ёлланма қотил ҳам топди. Ухов "хизмат ҳақи" учун 5 минг АҚШ доллари сўради.



## ҚИСКА САТРАЛДАРДА

## ОРДЕН ЎҒРИЛАРИ УШЛАНДИ

Красноярск ўлкасининг Дивногорск шаҳрида шаҳар орденини ўғирлаганликда шубҳаланиб, 35 ва 26 ёшли икки шахс ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди. Алуминийдан тайёрланган 34 килоли бу ордени улар рангли металл тўпловчиларга сотиб юборишган экан.

## КОТИЛЛАР АНИҚЛАНДИ

Қирғизистон Республикаси Ички ишлар вазирининг Б. Нўғойбоевнинг маълум қилишича, 16 нафар Хитой ва 4 нафар маҳаллий фуқароларни ўлдирган қотилларнинг шахси аниқланди. Бишкекдан Хитойга қараб йўлга чиққан йўловчилар тоғлар орасида ўлдирилган ва барча жасадлар ёқиб юборилган эди.

"Қотилларнинг шахси аниқланди, – улар икки нафар Хитой фуқароси бўлиб, ҳозир қидирилмоқда", деди вазир ўринбосари.

## ПОКИСТОН ЯНА БРИТАНИЯ ҲАМДЎСТЛИГИДА

Покистон ҳукумати мамлакат шу йил охирида яна Британия Ҳамдўстлигига кириши мумкин, деб баёнот берди. Бу маълумотни Покистон Президенти Парвез Мушарраф Буюк Британия Бош вазирини Тони Блэр билан бўлган музокаралардан сўнг эълон қилди. Покистон 1999 йил октябрь ойидаги ҳарбий давлат тўнтаришларидан сўнг мазкур Ҳамдўстликдан чиқарилган эди.

## ХОРИЖЛИК МАҲКУМЛАР ОЗОД ҚИЛИНАДИ

Лаос шу ҳафта бошида 15 йилга озодликдан маҳрум қилинган икки европалик журналист ва бир Американи фуқаросини озод қилишга тайёр.

Мамлакат Ташки ишлар вазирининг Сомсават Ленгсаваднинг маълум қилишича, бунинг учун маҳкумлар яшайдиган давлатлар расман мурожаат қилиши керак. Телеоператор Венсен Рейно (Франция), фотомухбир Тьерри Фализ (Бельгия) ва руҳоний Но Кари Муа (АҚШ)лар 4 июнь куни Лаос хавфсизлик кучлари томонидан полиция ишига халақит берганлик ва ноқонуний курул сақлашда айбланиб, ҳибсга олинган эди.

Саҳифа хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

Жиноятга жазо муқаррар

# ИЙМОНДАН КЕЧИБ...

**Марказий шифо-хонанинг лаборатория бўлими эрта-лабдан яна одамлар билан гавжум. Айниқса, ультратовуш ёрдамида текшириш ўтказиладиган хона олдида навбат кутиб турганларнинг сон-саногни йўқ. Лаборант аёл одатдагидек ишга барвақт келиб, беморлар билан саломлашди-да, ичкарига кирди.**

Энгил оқ халатни кийиб, ультра товушли диагностика (УЗД) аппарати турадиган столга яқинлашиб, ҳайрон қолди. Аппарат жойида йўқ эди.

Воқеадан хабар топган бош шифокор нима қилишини билмай қолди. Эшик калити фақат лаборант аёлда бўлган. У кўтариб кетиши мумкин эмас. Қоровул бу корпусга деярли келмади. У ҳатто чўлпоқ супургини ҳам хўжалик мудиридан сўраб олади. Дарҳол милицияга хабар берилди.

Милиция ходимлари суриштирув ишларини бошлаб юборишди. Орадан бир

ҳафтала ўтиб яна 4 та электрокардиограмма аппарати ҳам изсиз йўқолди. Касалхона маъмурияти жуда танг аҳволда қолди. Чунки бундай замонавий тиббий асбоблар туманда фақат шу ердагина мавжуд эди.

Ўғрилиқ нисбатан кўп учрайдиган жиноят, — деди Самарқанд вилояти Жомбой тумани ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари, милиция подполковниги Ж. Юнусзода. — Бирок касалхонада рўй берган жиноят, яъни тиббий асбобларнинг ўмарилиши камданкам учрайдиган ҳол. Агар чорва моли ёки бирор буюм ўғирланса унинг эгаси жабрланади. Тиббий аппаратларнинг йўқолиши эса кўплаб фуқароларни, айниқса беморларни қийин аҳволга қўйди. Шунинг учун ҳам бу жиноятни очишга алоҳида эътибор бердик. Қидирув-суриштирув ишидан бошқа-

си наф бермади. Чунки, касалхона шароитида хизмат итидан фойдаланиб бўлмади.

Ички ишлар идоралари ходимлари жиноятни очиш ва айбдорни топиш учун кўп изландилар, тажрибалар ишга солинди, тахминлар текшириб кўрилди. Дастлаб, рангли металл ишқибози дея гумон қилинган фуқаролар, ўғрилиқ жиноятини содир этиб, судланганлар, рўйхатда турган шахслар текширувдан ўтказилди. Лекин натижа четдан келмади. Яна бир томони бу ноёб асбобларни қаердалиги, қандай қимматга эга эканлиги, касалхона шароитини фақат шу ерда ишлайдиган ёки шу соҳага алоқадор киши бўлади. Шунинг учун ҳам асосий эътибор шифохо-

нага қаратилди. Аппаратлар йўқолган кун арафасида рўй берган ҳолатларнинг ҳар бири таҳлил этилди.

— Маълум бўлишича, бир кун аввал, ишдан сўнг лаборант аёл эшикни қулфлаб чиқиб кетаётганда бир киши келиб, мутлақо бошқа корпусда ишлайдиган ҳамширани сўрайди, — деди Ж. Юнус-

зода. — Биз ана шу ҳолат бўйича ишладик. Лаборатория корпусига алоқадор бўлмаган киши билан шуғуллана бошлаганимизда, шифохона маъмурияти бундан иш чиқмаслигини айтиб, ҳатто қаршилик билдирди. Лекин бизни нима учун бу киши ҳамширани ўз иш жойида эмас, айнан лаборатория бўлимида қидираётгани қизиқтирарди.

Лабораторияга алоқаси бўлмаган кишидан, иш вақти тугагандан кейин нима қилиб бу ерда юрганини сўраганимизда у аниқ бир гап айтолмади. Шунинг учун ҳам уни мукамал текшириб, суриштиришга киришдик.

Ички ишлар ходимларининг шубҳаси тўғри чиқди. Унинг уйи тинтув қилинганда иккита ЭКГ аппарати топилади. Ашъвий далиллар олдида мулзам бўлган шахс айбини бўйнига олди. УЗД ва яна иккита ЭКГ асбо-


бини хусусий сихатхоналарга сотиб юборган экан.

Ўзбек драматурги Уйғуннинг "Иймон" драмасида профессорнинг ўғли марҳум тиббиёт олимнинг қўл-ёзмасини ўғирлаб, илмий ишни ёқлаш учун фойдаланмоқчи бўлади. Қўлёзмада эса шу оила соҳибсинининг касалига шифо йўллари кўрсатилган бўлади. Ўғил буни била туриб, ўз манфаатини ўйлаб, илмий ишни яшириб, ундан фойдалана бошлайди...

Марказий касалхонадан ўғирланган тиббий аппаратларни топиб жойига олиб келинганига қадар орадан икки ойдан кўпроқ вақт ўтди. Бу даврда бир неча оғир беморларни УЗДда текшириш учун вилоят марказига олиб боришга тўғри келди. Кўплаб ҳомиладор аёллар ҳам текширувдан ўтиш учун сарсон бўлдилар. Қани айтинг-чи, шу инсофданми, иймонданми ахир?

Дарвоқе, ўғри бегона эмас, айнан шу соҳага алоқадор шахс Д.Ю. бўлиб чиқди.

**С. ШАМСИДИНОВ.**



**ҚИҚМАТ**

*Неким истамасанг ўзингга мақбул, Дўстингу душманга раво кўрмагил.*

## ТАДБИРКОР КАСБИНИ ЎЗГАРТИРДИ

**Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида кўп йиллардан буён истиқомат қилиб келаётган Абдумалик Ҳақимов маҳаллада, ошна-оғайнилари даврасида обрў-эътиборга лойиқ қўли гул усталардан бири. У вояга етган ўғлини бирон-бир хунар эгаллашга даъват қилди. Лекин Абдували мактабни тугатиб, ота измида юрмади, савдо-сотик ишлари билан шуғуллана бошлади.**

Тадбиркорнинг ўзига яраша роҳат ва машаққатлари бор, албатта. "Меҳнатнинг таги роҳат" деб бежиз айтишмаган. Мана, икки йил бўлибдики, Абдувалининг қўлида жарақ-жарақ пул, оиласига ҳам озми-кўпми фойдаси тегиб турибди. Баъзи тенгқурлари қора терга ботиб рўзғорини зўрга тебратишяпти. У эса...

Абдували 2001 йилдан савдо-сотик билан шуғулланиб, бозорнинг сир-синоатларини ўрганди. Бобокалонларимиз "Савдо-сотик негизда ҳалоллик-поклик ётади" деб бежиз айтишмаган. Лекин қахрамонимиз кунлар, ойлар ўтиб ҳалол меҳнати кетидан орттираётган даромаддан кўнгли тўлмай, ундан-да, зиёд фойда кўриш йўлини излай бошлади. У бир йил давомида ҳалол ишлаб, ҳамкасбларининг ўзига нисбатан ишончини қозонганди.

Ниҳоят, 2002 йил ноябрь ойи бошларида Абдували ғараз ниятини амалга ошириш мақсадида Бодомзор маҳалласи томон йўл олди. У ерда яшовчи таниши Акмалдан 410000 сўмлик компьютерни укамга олиб бе-

раман, пулини икки кундан сўнг оласан, деб олиб кетиб, арзон-гаровга сотиб юборди. Пулини эса ўз эҳтиёжига ишлатди. Ўйлаган режаси хамирдан қил суғургандай амалга ошганидан боши осмонга етган Абдували аста-секин қипқизил фирибгарлик йўли билан бошқа ишларга қўл ура бошлади. Деҳқон бозоридида Х. Тошпўлатовдан 32 кг, Д. Умаровдан 30 кг гўшт, "САНДИМ-С" хусусий фирмасига қарашли озик-овқат дўкони сотувчиси А. Ҳидоятқовдан спиртли ичимлик, А. Миржалоловдан нархи 176000 сўм бўлган "Пионер" аудиоманитофони, нархи 108000 сўмлик бир жуфт аудиоманитофон колнокаси ҳамда 360000 сўмлик автомашина магнитофони, Паркент бозоридида қурилиш моллари билан савдо қилувчи С. Мирсодиқовдан 1.500.000 сўмлик қурилиш молларини алдов йўли билан қўлга киритиб ўзлаштирди. Ҳўқорида санаб ўтилган шахсларга жами 2.638.850 сўмлик моддий зарар етказди.

Халқимизда "Бузоқнинг юргани сомоннагача"

деган нақл бор. Қахрамонимизнинг қинғир ишларига ички ишлар ходимлари томонидан чек қўйилди. А. Ҳақимов Юнусобод туманидаги "Шомуроджон" хусусий фирмасига қарашли рангли телевизорни ўғирлаб кетаётганда қўлга олинди. У қилмишига яраша жазо олиши муқаррар.

Қизиги шундаки, 23 ёшга қадам қўя бошлаган бу йигитнинг арзимаган вақт — 2002 йил ноябрдан 2003 йил январигача бўлган давр ичида шунча молни ўзлаштириб бир неча шахсларга катта миқдорда моддий зарар етказиши кишини ҳайратга солади. Паркент бозоридида қурилиш моллари билан савдо қилувчи С. Мирсодиқов 1.500.000 сўмлик қурилиш жиҳозларини бир йигитнинг ёлгон гапларига ишониб қандай қилиб қарзга бериб юборди экан? Ёки бўлмаса олий маълумотли, кўп йиллик тажрибага эга А. Каримов 410000 сўмлик компьютерни насияга бериб юборганини қандай баҳолаш керак? Инсон ҳар бир ишни ўйлаб қилмоғи даркор. Мўмай даромад орттириш ниятида таниш-нотаниш кишилар билан ноқонуний шартномалар тузиб, нияти амалга ошмай алданиб қолаётганлар қанча ахир? Хушёр бўлсакки А. Ҳақимовга ўхшаган фирибгарларга алданиб қолмаймиз.

**Ш. ПАРПИЕВ.**

**Ҳаётга энгил-елпи қарашга ўрганган А.Саидвали жазони ўтаб чиқиб ҳам, ўзига тегишли хулоса чиқармай, яна ўғрилиққа қўл урди. У мардикорчилик баҳонасида Сирдарё туманидаги "Малик" ширкатлар уюшмасида яшовчи қариндошиникига борди. Ҳалол меҳнатга бўйни ёр бермади. Шу қишлоқ меҳнаткаш аҳолиси пешона тери билан топган мол-мулкига ғараз ният билан қаради.**

## БУКРИНИ ГҲР ТУЗАТАДИ...МИ?

Саидвали кундузлари одамларнинг мол-қўйлари қаерда сақланаётганини ўрганиб, кўпдан ўйлаб юрган ўғрилиқ режасини тузди. У 27 июнь куни тунги соат 2<sup>00</sup> ларда шу қишлоқда яшовчи Ақром Ҳазратқуловнинг ҳовлисида билдирмай кирди. Нафс балосига йўлиққан Саидвали бир эмас, икки эмас бирдан ўн икки бош қўйни кўрадан дала томон ҳайдаб кетди.

Ақром Ҳазратқулов эрта тонгда уйғониб, кўрадаги қўйлари йўқлигини кўриб хангу манг бўлиб қолди. У Сирдарё тумани ИИБга ариза билан мурожаат қилди. Тергов-тезкор гуруҳи тузилиб, унга ИИБ бошлигининг биринчи муовини, милиция капитани А. Тўраев раҳбарлик қилди. Сирдарё тумани қўшни Қозоғистон Республикаси билан чегарадош ҳудуд бўлганлиги боис ҳар хил гумон ва тахминлар пайдо бўлди.

Тезкор гуруҳ аъзолари милиция лейтенанти Э. Айдеров ва милиция катта лейтенанти А. Дўстматов уч кечаю уч кундуз қидирув ишлари олиб боришди. Милиция ходимлари далада ишлаётганлар билан суҳбат ўтказишганда, ёши 35-40 лардаги бир бегона фуқаро шу яқиндан қўй ҳайдаб ўтганлиги аниқланди. Тезкор гуруҳ аъзолари жиноятчининг изидан боришди. Уларнинг тахминлари тўғри чиқди. А.Саидвали ҳақиқатан ҳам қўйлари қўшни Қозоғистон ҳудудида пулламоқчи бўлганлиги аниқланиб, қўлга олинди.

**М. ЛАТИПОВ.**

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

**Миробод тумани ИИБ томонидан қуйидаги фуқаролар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.**

**Александр Владимирович КОНОШИН.**

1955 йилда туғилган. Сирғали тумани Сирғали-1 даҳаси 19-уй 6-хонадонда яшаган. 2003 йил 2 май куни эрта лаб соат 10 ларда ўзига бириктирилган "Супер МАЗ" русумли, 10 АЖ 706 давлат рақамли "Ивановец" автокранида Авлиёота кўчасида жойлашган Рус православ черкови бошқармаси гаражидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 175-180 см, юзи чўзикроқ, сочи қора, калта, қоши ёйсимон, кўзи қора, мўйлов қўйган, лаблари ингичка.

**Кийимлари:** эгнида жинси костюм-шим, кулранг энги калта қўйлак, оёғида тўқ жигарранг туфли бўлган.

**Алоҳида белгилари:** кўкрак қисмида куйгандан қолган, қорнида кўричак жарроҳлигидан қолган чандиқлар бор.

**Юрий Сергеевич КУПЧЕНКОВ.**

1990 йилда туғилган. Юнусобод туманидаги 31-меҳрибонлик уйининг тарбияланувчиси. 2003 йил 4 июнь куни 1-руҳий касалликлар шифохонасидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 160-165 см, озгин гавдали, юзи чўзикроқ, сочи, кўзи қора, лаби ингичка. Жағ қисмидаги 1 ва 2 тишлари йўқ.

**Кийимлари:** эгнида оқ футболка, кулранг шорти, оёғида қора шиппак бўлган.

**Ҳўқорида номлари зикр этилган фуқароларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига ёки Миробод тумани ИИБга хабар беришларини сўраймиз.**



Ўзбекистон Республикаси ИИБ ППХ ва ЖТСББ раҳбарияти ва шахсий таркиби бўлиб бошлиғи, милиция подполковниги **М. Мазановга** онаси **Абидат МАЗАНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши Муборак тумани ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги **З. Обилова**га ўғли **ЗАРИФЖОН**нинг фожиали ҳалок бўлгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Бу — қизиқ!

## ЯПОНИЯДА ТЕХНИК КЎРИК

ЯПОНИЯДА АВТОМОБИЛЬ ЭГАЛАРИ ҲАР ЙИЛДА БИР МАРТА ЎЗ ҲАМЁНЛАРИДАН КЎПРОҚ ПУЛ ЧИҚАРИШГА МАЖБУР БЎЛАДИЛАР. УЛАР ТЕХНИК КЎРИК УЧУН 1000 АҚШ ДОЛЛАРИДАН ЗИЁД ТЎЛАШАДИ.

Машинанинг рўпара ойнасида тегишли муайян белги бўлмаса, ҳайдовчилик талонидаги очколарни бекор қилишга тўғри келади. Машинани охириги марта техник кўриқдан ўтказган станция навбатдаги текшириш вақти етиб келганлигини маълум қилади. Бунда, агар бирон бир бузуқ жойи аниқланмаса, машинани кўриб, текшириб чиқиш "То" талони бўйича муайян эҳтиёт қисмларни алмаштиришга 1000 АҚШ доллари атрофида пул тўланади. Шу ернинг ўзида 300 АҚШ доллари тенг бўлган мажбурий суғурта ҳужжати ҳам расмийлаштирилади.

Ниҳоят, машинани давлат транспорт хизмати назоратига жўнатишга хизмат учун 100 АҚШ доллари ва кўшимча равишда назорат текшируви яна шунча миқдорда маблағ сарф этилади. Фақат шундан кейингина машина эгаси ўзи кутган нишон (стикер)га эга бўлиб, бир йил давомида юришга "оқ фотиҳа" олади.

Кўрик вақти учун бошқа машина берилди. Альтернатив ҳолатда ҳайдовчининг ўзи машинани кўриқка тайёрлаши ва ундан ўтказиши мумкин. Бунга озроқ пул сарф этилса-да, кўпроқ вақт кетади. Кўриқ турибдики, маҳаллий автоназоратнинг техник кўриққа ҳеч қандай алоқаси йўқ.

## ҚИМИЗ ИЧИШ — ШАРАФ

Франция қироли Людовик IXнинг 1254 йилда Олтин Ўрдага Ботухон қароргоҳига келган элчиси Гильом Рубрук шундай деб ёзган: "... У (Ботухон) бизларга сипоришлар кўрсатиб, мулозимларига дарҳол қимиз келтиришни буюрди. Уларнинг русумида меҳмон билан бирга қимиз ичиш ҳар бир киши учун катта шараф ҳисобланар экан".

Бу ичимлик етмиш икки дардга даво эканлигини ўшанда француз элчиси билмаган эди-да!

## "УЯТЧАН" ҚАБИЛА

Марказий Бразилияда яшовчи бир қабила одамлари қип-яланғоч юришдан номус қилмай, бировнинг олдида овқат ейишдан ниҳоятда ор қилишган.

Уятчанликни қаранг!

## "ЮЛДУЗ"НИНГ ДУМИ

Халқ ўртасида "думли юлдуз" деб аталадиган кометаларнинг думи жуда сийрак бўлади. Унинг 60 минг куб. километр ҳажмдаги моддаси вазн жиҳатдан тахминан одам бир марта нафас олгандаги ҳавога тенг келиб қолади.

А. АЛИЕВ тайёрлади.

Жаҳон киноси

## «ГВАДАЛУПЕ»

### ФИЛЬМИ ҚАНДАЙ ЯКУН ТОПАДИ?



Маълумингизки, Гвадалупе отасидан қолган катта бойликнинг ягона меросхўрига айланди. Аммо уни кўпроқ Альфредонинг таклифи қизиқтиради.

Иккаласи тез орада турмуш қуришади. Гвадалупе Самбранолар хонадонининг барча мол-мулкни бошқариш ҳуқуқини Альфредога хатлаб беради. Икковлон тўй саёҳатига йўл олишади.

Саёҳат пайтида Альфредо Гвадалупени чинакам ёқтириб қолади. Аммо уйга қайтиши ҳамон аммаси Оливия Гвадалупе билан барча алоқаларини узишини талаб этади. Альфредо худди шундай қилади: жанжал кўтариб, Гвадалупега уни ёқтирмаглигини, ҳатто ёмон кўришини айтади.

Гвадалупе аввалига тушкунликка тушади. Лекин тез орада ўзини қўлга олади. Барча бизнесини ўзи бошқара бошлайди. Ҳатто инқирозга учрай деб қолган баъзи корхоналарининг ишини ҳам ривожлантириб юборади. Оёғини операция

қилдиради, ташқи қиёфасини, ҳаёт тарзини ўзгартиради. Гўзал, ўзига ишонган ишбилармон, тадбиркор хонимга айланади. Кимки ўзига бўйсунмаса, уйдан кетишини талаб қилади.

Луиза бор мол-мулкдан ажралади. У борган сари

билан Гвадалупенинг бола-си ўғирланади. Шўрлик она ақлдан озади. Уни руҳий касалликлар шифохонасига жойлаштиришади. Фурсатдан фойдаланган Луиза акасининг мол-давлатига эгалик ҳуқуқини қайта тиклайди.

У мурасасиз душмани Оливия билан вақтинчалик иттифоқ тузади. Иккаласи бирга Гвадалупени шифохонада ўлдиришга ҳаракат қилишади. Аммо уни Хесус исмли бемор қутқариб қолади.

Бу орада



ришталарини узажагини айтади.

Оливия бу йўқотишни кўтара олмайди. Яшашдан маъно тополмай, Луизани дуэлга чақиради. Денгиз қирғоғида учрашиганида Луиза Оливияни тўплончадан отиб ташлайди. Шу пайт марҳум ўғли Абелнинг руҳи Луизани денгиз қаърига бошлаб кетади.

Луизани дабдаба билан дафн этишади. Альфредо билан Гвадалупе қайта топишади.

## ИККИ ОФИЗ СЕРИАЛ ТАРИХИ ҲАҚИДА

"Гвадалупе" сериалини байналмилал ижод маҳсули деб ҳисоблаш мумкин. Умуман, фильм АҚШга тегишли. Воқеалар ўта испанлашган Майами (Флорида штати)да юз беради. Сериални Испания телевидениеси суратга олган. Актёрлар асосан мексикалик. Шунингдек, Венесуэла ва Аргентинадан ҳам айрим санъаткорлар таклиф қилинган. Теленовелла муаллифи — Делия Фиалло.

Севара АҲМАДЖОНОВА тайёрлади.

## ТОПШИРИҚЛИ КРОССВОРД

**Диагоналлар бўйича:** 1. "Шашмаком" таркибидаги маком. 2. Факультет раҳбари. 3. Марказий Осиёдаги паст текислик. 4. Қарама-қарши кучларнинг тенглашуви. 5. Темурийзода ҳукмдор ва шоир. 6. Бугдой, донли экинлар чиқити. 7. Бухородаги меъморлик обидалари мажмуи. 8. Дунё томони. 9. Тақинчоқ тури. 10. Ранг тури. 11. Ёзув ашёси. 12. Ҳарбий унвон. 13. Сайроқи қуш. 14. Эришиш, амалга ошириш кўзда тутилган орзу. 15. Саид Аҳмаднинг "Уфқ" асари қаҳрамони. 16. Бирор турдаги энергияни механик энергияга айлантирувчи қурилма. 17. Тожикистондаги шаҳар.

18. Абу Али ибн Синонинг фалсафий асар. 19. Билим манбаи. 20. Бирор нарса таъминотининг чекланган миқдори. 21. Узум нави. 22. Ярим ўтказгичлар тадқиқотчиси, физик олим. 23. Катта, буюк. 24. Ижодий жараён учун зарур ҳолат. 25. Жанубий Американинг тропик ўрмонларида тарқалган турнасимон қушлар оиласи. 26. Ерга эгалик ва ер-сувдан фойдаланиш мажмуи. 27. Эркин Воҳидов қасидаси. 28. Умрибоқий дарахт.


Энди шаклнинг ички айланаларидан бош ҳарфни топиб, чизиклар бўйича ўқиш билан халқимизга мансуб ҳикматни билиб олинг.

Ф. ОРИПОВ тузди.

## ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

**Энига:** 5. Банорас. 6. Лунаход. 9. Архитектура. 11. Марра. 12. Минор. 13. Эрбий. 16. Аскар. 17. Частота. 19. Манзара. 20. Талха. 24. Кўмир. 25. Автор. 26. Қилич. 29. Аспирантура. 30. Дўмбира. 31. Бисквит.

**Бўйига:** 1. Ҳарорат. 2. "Сайха". 3. Зулук. 4. Комедия. 7. Ўтмиш. 8. Акробат. 9. Аэростатика. 10. Агротехника. 14. Ларза. 15. Утмас. 18. Гравюра. 21. Бўтакўз. 22. Домна. 23. Динамит. 27. Спорт. 28. Турин.



**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

**Bosh muharrir Shuhrat MURODOV**

Bosh muharrir o'rinbosari v.b. **Murod TILLAYEV** Mas'ul kotib **R. BERDIYEV**

Navbatchi **S. SHAMSIDDINOV**

Sahifalovchi **Z. BOLTAYEV**

Musahhih **G. XOLIQOVA**

TELEFONLAR: Bosh muharrir o'rinbosari 139-75-69. Kotibiyat 59-20-96. muxbirlar bo'limi 139-75-69. Buxgalter 139-75-37. Faks 132-05-51.

E-mail: [urmvd@globalnet.uz](mailto:urmvd@globalnet.uz)

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan.

Buyurtma 7 — 579. Bosilish — ofset usulida. 44405 nusxada chop etildi.

• Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart  
• Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.  
• Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180 Tashkilotlar uchun — 366 Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Bosishga topshirish vaqti — 20.00. Bosishga topshirildi — 20.00.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.